



# MILLIY TIKLANISH

29 (37) 2009 йил 15 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz  
e-mail: milliyt@sarkor.uz



### Ёшлар — ҳал қилувчи куч

Мени бир масала анчадан буён ўйлантириб келади. Бизнинг диёр ёшлар мамлақати. Аҳолининг асосий қисмини униб-ўсиб, катта ҳаётга кириб келаётган ёшлар, тенгдошларим ташкил этади. Агар ҳар биримиз биттадан дарахт экиб кўқартирсак, юртимиз яшил ўлкага айланади. Ҳар куни биттадан яхши иш қилсак, ҳам савоб, ҳам фойдали. Биттадан гишт кўйсак, мухташам қаср бунёд этилади...

→ 4-бет



### "Катта саккизлик" саммити

дунёдаги глобал муаммоларни бартараф этишда иштирокчи давлатлар сонини янада кўпайтириш лозимлигини кўрсатди

→ 7-бет



### Кўк чойга не етсин

Аммо, бир пиёла яхна кўк чой ўрни бўлакча. Чой инсон учун "шоҳона ичимлик" десак асло муболага бўлмайди. Чой шунчаки чанқоқни босувчи ичимлик эмас, балки кўп дардларга малҳам ҳамдир.

→ 8-бет

## МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет

Сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет

Масъулият ва самарадорлик

Ёшларни миллий руҳда тарбиялаш

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет

Барчамиз масъулмиз

Айланма йўллардаги "тадбиркорлар"

МАЪНАВИЯТ 5-бет

Кулолчилик — аънавий мерос

Топганингиз — тўйларникими?

ЖАРАЁН 6-бет

Эртамиз таянчи ва суянчи

Корхона оёққа турди

Қабул қизгин давом этмоқда

Янги лойиҳалар

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет

Бир топилма изидан

Дунёдан дараклар

НИГОҲ 8-бет

Улғайиб бораётган "Ниҳол"

Венада Ўзбек маданияти ва санъати тақдимоти

Турфа олам

## Сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш

партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифа



Тошкентда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг IV-пленими бўлиб ўтди. "Ўзбекистон мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича ЎзМТДП ташкилотларининг вазифалари", "ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки ва сайловларга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида", "ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасини ишлаб чиқиш тўғрисида", "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 2009 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти ва иккинчи ярим йилликдаги асосий вазифалари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор масалалар пленум кун тартибидан жой олди.

### ЎзМТДП ПЛЕНУМИ



"Ўзбекистон мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича ЎзМТДП ташкилотларининг вазифалари" ва "ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки ва сайловларга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масала юзасидан маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов жумладан шундай деди: - Партияимизнинг бугунги Пленуми, барчамиз учун энг азиз байрам - Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўтмоқда. (Давоми 2-бетда)

### ИЗҚОР

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,  
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун.  
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,  
Айтгил, дўстим нима қилдик Ватан учун?



## Муборак байрам чорлайди

Ҳар гал тонгни қаршилаб, юзқўлларимни ювиб, муаззам осмонга боқиб, Яратганга шукронлар келтираман. Шоир айтганидек, шу юрт учун нима қилганимизни сарҳисоб қилишга интиламан. Шу она тупроғим, Ўзбекистоним заминда эндигина униб чиқаётган ёш навниҳолларни кўриб фахрланаман. Осмонга қараб, бошимизни она кўёш силаётганига ҳамду санолар айтаман. Илдишларимиз буюк аждодларимнинг хокларига қоришган табаруқ заминдан қувват олиб, кун, ой сайин

улғайиб бораётган фарзандларимизнинг беғубор ва шўх-шодон қикирлаб кулишларига боқиб, қалбим гурурга тўлади. Шу онга, истиқлолга етганимдан ва бу дамларни кўришни орзулаб армонли кетган аждодларимиз ёдга тушади. Уларнинг хотиралари олдида бош эгиб, таъзим бажо келтираман-да, аждодлар учун ҳам яшаш, озод ва обод Ватанимиз гуллаб яшнаши учун баҳоли қудрат ҳисса қўшиш истаги асло тинчлик бермайди. Ҳаёл билан болалик дамларим ёдга тушади.

Вояга етганимизни гоҳ сезимизнинг беғубор ва шўх-шодон кикирлаб кулишларига боқиб, қалбим гурурга тўлади. Шу онга, истиқлолга етганимдан ва бу дамларни кўришни орзулаб армонли кетган аждодларимиз ёдга тушади. Уларнинг хотиралари олдида бош эгиб, таъзим бажо келтираман-да, аждодлар учун ҳам яшаш, озод ва обод Ватанимиз гуллаб яшнаши учун баҳоли қудрат ҳисса қўшиш истаги асло тинчлик бермайди. Ҳаёл билан болалик дамларим ёдга тушади.

Баланд тоғлар бардоши, залвори, чўққисининг улуғворлиги, жисмиимизга жойланаётган гўё. Ана шундай қувват билан эзгу ниятларини муқаддас туғ каби ҳилпирашиб, юксакликка интилаверамиз. Ватанга, халққа бўлган меҳр-муҳаббат ҳамisha куч-қувват бағишлайди. Кўзлаган манзилимиз-пурвиқор тоғларнинг баланд чўққиларини забт этгач, ўша осмонўпар жойдан "Ўзбекистон-менинг Ватаним!" дея ҳайқиргимиз келади. (Давоми 4-бетда)

### ЎҚУВ-СЕМИНАР

## Аёллар фаоллигини ошириш

борасидаги самарали шакл ва услублар хотин-қизлар фаолиятида қай даражада ўрин эгалламоқда?

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, мавжуд сиёсий партиялар, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида самарали шакл ва услубларни қўллаш" мавзусида туркум ўқув-семинарлар ташкил қилиниб, улар жойларда ўтказилиб келинмоқда. Ушбу ўқув-семинарларнинг ўтказилишидан асосий мақсад - ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда сиёсий партиялар сафида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, бу йўналишда самарали шакл ва услубларни қўллашдан иборатдир.

Яқинда "Шодлик палас" меҳмонхонасида бўлиб ўтган навбатдаги семинарда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри "Аёллар қаноти" фаоллари иштирок этдилар. Семинар-тренингни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар минтақавий ахборот-таҳлил маркази директори Баҳодир Мамадиев кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш фуқаролик жамияти қуришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шу боисдан ушбу масала давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлигини таъкидлаб ўтди. (Давоми 3-бетда)

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎЗМТДП ПЛЕНУМИ

## Сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш

(Давоми. Боши 1-бетда)

партия ташкилотлари олдига турган энг муҳим вазифа

Хабарингиз бор яқинда давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Мустақиллик ҳалқимиз учун, сизу биз учун энг улғун, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзгиримиз, ор-номусимиз, гуруҳ-ифтихоримиз тинимсиз, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва эришадиган натижаларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминимизда яшаётган барча юрдошларимиз қалбидан мустаҳкам жой олмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик байрамининг ҳар бир санасини муносиб қутиб олиш ва юқори даражада ўтказиш аниқланаётган. Шу боис, истиқлолнинг 18 йиллигини муносиб нишонлаш учун барча давлат ва нодавлат ташкилотлари қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча ташкилотлари ҳам ўз иш режаларини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ этишмоқда.

Партияимиз томонидан Мустақилликнинг 18 йиллигига бағишланган ўтказилаётган ва режага киритилган тадбирлар "Мустақиллик биз учун - ўзгиримизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир" деган улғун орзу ва эзгу гоҳни ўзда муҳассам этган бўлиши керак. Бундан ташқари тадбирларимизда ўтган ўн саккиз йилнинг давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳукук тизими, ташқи сиёсат ва тинчлик-ҳавфсизлиги таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, ҳажон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганлигини чуқур очиб беришимиз зарур. Шунингдек, истиқлол инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқаронинг муно-

сиyasi Ўзбекистон Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Ушбу Концепцияга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси "2009 йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб декабрь ойигача босқичма-босқич ўтказилиши шарт бўлган сайловолди тадбирларининг таркиби ва тузилмаси" деб номланган ҳужжат ҳам қабул қилди. Марказий сайлов комиссияси қабул қилган Концепцияда сайлов кампаниясининг барча ишчилик қисмлари томонидан амалдаги қонунчилик қоидаларига қатъий ва сўзсиз амал қилинишини таъминлаш сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Фақат Марказий сайлов комиссиясига сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этивчи орган ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчилик нормасини изчил амалга ошириш ҳам Концепцияда назарда тутилган. Ҳеч қимнинг, авваломбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашувиға йўл қўйилмайди. Концепцияда сайловлар давомида сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар бериш истисно этилиши қайд қилинган. Амалдаги сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссиясининг Концепциясига мувофиқ партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ЎЗМТДПнинг сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ҳаракат Дастурини ишлаб чиқди. Ҳозир ана шу ҳаракат Дастуридан келиб чиқиб олдимида турган энг асосий вазифалар устида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ишчимизни сайлов қонунчилигини энг аввало ўзимиз пухта билиб ва уни кенг тарғиб қилишдан бошлаш камсақда мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ҳалқимизнинг бой миллий қадриятлари ва тарихий давлатчилик анъаналари асосида сайловга оид ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва ривожлан-

курлаштиришнинг муҳим омилига айланди.

Сайловга яхши маълумки, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлариға ўзгартиш ва ўқимчлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шу йилнинг 1 июлидан эътиборан қучга кирди,- деди маърузачи. — Мазкур қонун парламенти қуйи палатаси фаолиятида сиёсий партияларнинг роли ва таъсири янада қучайтиради, оммавий жамоат бирлашмаси - Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида вакилчилигини таъминлаш орқали ҳозирги ва келажак авлоднинг атроф-муҳити муҳофазаси қилиш, соғлиқни сақлаш, табиат заҳираларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уларга сўзсиз риоя қилиш учун кенг имкониятлар яратиш, аниқ пайтада, сайлов тизими, қонунчилигини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, сиёсий партияларнинг сайлов жараёни, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ваколатларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу қонун қатори ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Жумладан, сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги вакилчилигини кенгайтириш мақсадида Конституциянинг 77-моддасига ўзгартиш киритилиб, Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тдан 150 га оширилди. Бунда 135 нафар депутат кўппартиявийлик асосида бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланади. Шу билан биргаликда, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга ажратилди.

Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайловларида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари институтининг иштироки бекор қилинди.

Ушбу қонунда сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга қаратилган нормалар кўзда тутилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға сайлов тўғрисида»ги Қонунга «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» деган модда киритилди. Ушбу моддага кўра, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партия Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари сафидан сайлов участкаларида овозларни санада иштирок этиш учун ваколатли вакилини тайинлаш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Худди шундай норма Ўзбекистон Республикасининг «Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунига ҳам киритилди. Шунингдек, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этиш ҳуқуқиға эга бўлди. Мазкур қонунда имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширишда ҳолисликка эришиш, сайловларнинг очик ва ошқоралигини қўшимча қафолатлаш ва уларни ўтказишда сиёсий партиялар ҳуқуқларини амалга ошириш таъминлаш имконини беради. Яна бир янгилик шуки, қонунга асосан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға сайлов тўғрисида»ги ва «Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунларига янги нормалар киритилмоқда. Бунда сайлов комиссияларининг қарорлари устидан шикоят қилган шахс ўз аризасини қўриб чиқиш жараёнида бевосита иштирок этиш ҳуқуқиға эга бўлади. Ушбу янги ўзгаришлар сайловларнинг транспарентлиги ва очкиллигини таъминлаш имконини беради, шунингдек, участка сайлов комиссиялари фаолияти устидан сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишини янада қучайтиради.

Бундан ташқари, қонунда сиёсий партияларнинг сайловларда фаол иштирок этиши учун кенг имконият яратиш мақсадида, сайловда қатнашиш истагида бўлган сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида кеч билан олти ой олдун рўйхатдан ўтиши билан боғлиқ қоидадаги муҳтаб турт ойға қадар қисқартирилди. Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи қаидада эллик минг сайловчининг имзосини тўплашиға оид қоидадаги мазкур рақам ўн мингга қисқартирилди. Эндликда сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш учун қирик минг сайловчининг имзосини тўплаши кифоя.



фузунини ошириш, тарафдорлари сонини қўпайтириш, ижтимоий қатламни мустаҳкамлаш ва энг муҳими сайловда партияимиздан курсатилган номзодларға овоз берадиган электоратни шакллантиришға жиддий эътибор беришлари шарт, деди пировардида партия раҳбари. **ЎЗМТДПнинг сайловолди Платформасини ишлаб чиқиш тўғрисида**ги масала юзасидан маъруза қилган партия МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолдин Сафоев, сайлов сиёсий партия учун жуда катта синов ҳисобланишини таъкидлаб, жумладан қуйидаги фикрларни билдирди. - Сайловга пухта тайёргарлик кўриш ҳақида гап борар экан, аввало, барчамизнинг кўз олдимида партиянинг сайловолди Платформаси гавдаланиши табиий. Чунки, партия давлатимиз ва жамиятимиз ҳамда ҳалқимиз ҳаёти учун қандай вазифаларни амалга оширишини муҳим деб билишини ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайланадиган депутатлари орқали қандай ишларни амалга оширолмоқчилигини айнан ана шу сайловолди Платформасида акс эттиради. Шу боис, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси бу масалаға йил бoshiданоқ алоҳида эътибор билан ёндашиб, партия сайловолди Платформасининг концепцияси ҳамда Платформанинг лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳға партия Марказий Кенгаши ва Ижроия Кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоларидан бир гуруҳи киритилди. Ишчи гуруҳнинг фаолияти Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг март ва апрель ойларида бўлиб ўтган йиғилишларида муҳокама қилинди. Бундан ташқари ишчи гуруҳ партия раҳбари бошичилигида ўзининг олтига йиғилишини ўтказди. Партиянинг сайловолди Платформаси ва унинг концепциясининг лойиҳаси Марказий Кенгаши ва фракция аъзолари ҳамда ЎЗМТДП экспертлари томонидан жиддий кўздан кечирilib бир қатор таклифлар ва мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари сайловолди Платформаси ҳамда концепцияси лойиҳаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари томонидан ҳам муҳокама қилиниб, уларнинг ҳам фикрлари олинди.

ЎЗМТДП сайловолди Платформаси ва унинг концепцияси лойиҳаси ҳақида гапирадиган бўлсак, ў ўз ичига партиянинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-гуманитар, иқтисодий ва ҳалқаро муносабатлар соҳасини қамраб олган бўлиб, ҳозирда ушбу ҳужжатлар устида иш давом этмоқда, деди маърузачи. **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 2009 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти ва иккинчи ярим йилликдаги асосий вазифалари тўғрисида**ги масала юзасидан сўзға чиққан партия МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Улғунбек Муҳаммадиев 2009 йил 1 июни ҳолатиға кўра, 108390 нафар аъзони ўз сафида бирлаштирган партияимизда, 3309 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқди,- деди. Кенг жамоатчилик орасида партиянинг Устави ва Дастуридаги мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ва маънавий-маърифий ҳамда сиёсий соҳада 2009 йилнинг январь-июнь ойлари давомида ЎЗМТДП Марказий Кенгаши, ҳудудий партия ташкилотлари, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан 1500 дан ортиқ оммавий тадбирлар ташкил этилган. Мазкур тадбирларда 80 минг нафарға яқин фуқаролар иштирок этишди. Хусу-

сиёсий партияларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари, "Миллий қадрият ва анъаналар ёшлар нигоҳида" ва бошқа ўнлаб мавзуларда тадбирлар, уchrашулар ва давра сўхбатлари ўтказилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси партия фаолиятини аҳоли орасида янада кенгроқ тарғиб этиш ва бугунги кунда рўй бераётган жараёнларға нисбатан уларнинг муносабатини шакллантириш мақсадида "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ўтказиладиган тадбирлар юзасидан белгиланган қўшимча тадбирлар режаси"ға мувофиқ бир қанча туркум тадбирларни амалга оширди. ЎЗМТДП "Ёшлар қаноти" томонидан 2009 йилнинг ярим йиллиги давомида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш, партия фаолиятида уларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида тасдиқланган режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бўлимлар орқали бир қанча давра сўхбатлари, минтақавий форумлар, uchrashулар ва тадбирлар ўтказилди. Хусусан, "Ёшлар қаноти"ға аънаваный тусға айлиниб улғурган тадбирлардан бири бу "Барқамол ёшлар - обод ватан келажаги" широри остидаги минтақавий форумдир. Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида бўлиб ўтган форумларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят прокуратураси ходимлари, Маънавият тарғибот маркази раҳбарлари ва бир қатор ташкилот вакиллари ҳамда 2000 мингдан зиёд ёшлар иштирок этишди.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида "Аёллар қаноти" ташаббуси билан юртимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувига иштирокини кенгайтириш, сиёсий етуқ, иқтидорли хотин-қизларимизни танлаб, уларни партиянинг илғор етакчилари қилиб тарбиялашға қаратилган тадбирлар, давра сўхбатлари ва uchrashулар ўтказилди. Хусусан, республика миқёсида ўтказилган "Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги қўриқ-танлов бунинг ёрқин исботидир. Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида "Давлат ва жамият бошқарувига хотин-қизларнинг тугган ўрни ва аҳамияти", "Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида хотин-қизларнинг ўрни ва роли", "Ватан оиладан бошланади", "Демократик жамият қуришда шарқона тарбиянинг аҳамияти", "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммолари" каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларни ўтказишда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари "Аёллар қаноти" фаоллик кўрсатган. Ҳозирги кунда партия аъзоларининг 50654 (46,7%) нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомидаги фаолиятимиз яқинларидан кўриниб турибдики, партияимизнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан фаолиятимизда ижобий натижалар жуда кам. Шу боис, барчамиз учун катта сиёсий синов йили бўлган - 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллигида фаолиятимизни тубдан ўзгартириш, масъулият ва катта қуч-ғайрат билан ишға ёндашишимиз лозим. Фақат амалий фаолият, тинимсиз меҳнат, ташаббус ва масъулият доимий ҳамроҳимиз бўлиши кераклигини алоҳида таъкидламоқчиман, деди пировардида маърузачи.

Пленум қун тартибидан жой олган масалалар юзасидан музокараларда сўзға чиққан партия МК ИҚ раиси ўринбосари Шоира Умарова, ЎЗМТДП Жиззах вилояти кенгаши ИҚ раиси Файрат Қодиров, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Улғунбек Жалменов ва бошқалар партиянинг сайлов кампаниясиға тайёргарлик кўриши юзасидан ўзларининг бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Пленумда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



сиёсий ҳаёт кечирши учун кенг имконият яратиш берганини ҳаётий мисолларда кўрсатиб беришимиз керак. Энг муҳими, мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор маданий меросимиз, кўҳна урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта тикланганлиги, ҳалқимиз миллий ва умумбаршарий қадриятларға уйғун бўлиб яшашдек турмуш тарзи шаклланганлиги алоҳида таҳлил қилиб беришимиз керак бўлади. Юқорида тилға олинган мустақиллик моҳиятида акс этган барча жараёнлар партияимиз дастурий мақсад ва вазифалариға ҳамохан эканлигини яна бир қарра таъкидлаб ўтмоқчиман. Мустақиллик ва миллий тикланиш гоҳси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, барчамиздан алоҳида масъулият талаб қилади. Шу боис, истиқлолнинг ҳалқимиз ва давлатимиз ҳаётида тугган ўрнини маданий-маърифий ва сиёсий тадбирларимизда комплекс равишда кўрсатиб беришимиз ва энг асосийси партияимиз бу борада етакчи мақвени эгаллаши шарт.

Шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади,- деб ўз сўзини давом эттирди партия раҳбари. Шу муносабат билан жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комис-

ган давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатға олган ҳолда яратилган бўлиб, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда давлат бошқарувидаги эркин иштирокини таъминлашға хизмат қилади. Албатта сайлов қонунчилиги ҳам мамлакатимизда босқичма-босқич тақомиллаштирилиб келинди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзи учун демократик сайлов стандартларининг энг юқори даражасини белгилаб олган мамлакатимизда ҳокимият вакиллик органларига сайловларни янада демократлаштириш жараёни изчил амалга оширилмоқда. Натижада умумэтироф этилган ҳалқаро нормалар, юксак демократик талаблар ва стандартларға мос самарали сайлов қонунчилиги базаси шакллантирилди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароитлар, уларнинг сайлаш ҳуқуқларини тўла амалга оширишининг ишончли қафолатлари яратилди.

Ўзбекистонда сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказиш амалиёти аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнларини чу-

# ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

## ЎҚУВ-СЕМИНАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарни ФЖУИ лойиха раҳбарлари Л.Саидова, Д.Рашидова, ЎЗМТДП МК Ижроия кўмитаси раиси ўринбосарлари Ш.Умарова, У.Мухаммадиев ва ФЖУИ эксперт тренери Д.Тўхтасиновлар олиб бордилар.

Икки кун давом этган семинарда иштирокчилар "Давлат ҳокимиятининг тузилиши, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли", "Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг сиёсий ҳуқуқий асослари", "Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида сиёсий партияларнинг ўрни", "Ўзбекистон Республикасида аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати", "Ўзбекистонда сайловларни тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар", Юртбошимизнинг "Ҳақон иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариғатида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари" номли асари юзасидан маърузалар тинглаш билан бирга улар юзасидан гуруҳларга бўлинган ҳолда тақдимотлар ҳам қилдилар.

"Партия фаоллари ва ходимларининг аёллар билан ишлаш борасида ўзига хосликлари", "Сайловда ва сайлов жараёнида партия "Аёллар қаноти"нинг ҳаракат Дастурини ишлаб чиқиш" масалаларида интерактив усулларида машғулларнинг олиб

## Аёллар фаоллигини ошириш

борасидаги самарали шакл ва услублар хотин-қизлар фаолиятида қай даражада ўрин эгалламоқда?



ёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни хусусида тушунчага эгамиз дейишмоқда, машғуллар давомиди эса улар янада бойитилди. Сайлов конунчилигига киритилган

нинг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятларида намоян этиши шубҳасиз давлатимиз тараққитига муносиб ҳиссаси бўлади, дейиш мумкин.

### Дамира Тўхтасинова, ФЖУИ эксперт-тренери:

— Дастурга мувофиқ семинар мобайнида назарий билимлар олиш билан бирга сайловлар давридаги ўз ҳаракат Дастури ҳам ишлаб чиқилди. Айрим семинарларда иштирок этиб, шунинг гувоҳи бўламизки, аёлларимиз сиёсий жараёнлар ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас. Аслида эса сайловлар-яқинлашиб қолганинобатан олсак, ўтган вақт давомиди бу борадаги билимлари шакланган бўлиши керак эди. Кўпчилик аёллар билан мулоқот давомиди маълум бўладики, улар сайловларда ўзларининг вазифаларини ҳали яхши билмайдилар. Масалан, сайлов ҳаракат Дастурини ишлаб чиқинглари дейилганда йиллар давомиди аллақачон қилинган ишларни амалга оширилажак режалар қаторига қўшиб қўйишбиди. Тўғри, ҳамма вилоятларда ҳам аёлларимиз суҳбат қилишмоқда, дейиш фикридан узқоқимиз. Мавжуд камчиликларни тузатишда эса бу каби ўқув-семинарларни кўпроқ ташкил этиш фойдали бўлиб, унинг аудиториясини кенгайтириш муваффақият гарови бўлиши шубҳасиз.

### Гулрўз Каримбекова, семинар-тренинг иштирокчиси, ЎЗМУ ўқитувчиси:

— Аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермасдан қолмайди. "Бу асосан нимада намоян бўлади?" деган савол туғилиши мумкин. Биринчи навбатда, экология, болалар тарбияси, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа масалаларда хотин-қизларнинг фаол бўлиши давлат сиёсатини шакллантириш ва олиб боришда муҳим омил бўлади. Бирок, таъкидлаш жоизки, сайловлар хотин-қизлар учун махсус квотанинг жорий этилиши ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги долзарб масалани тўлиқ ҳал этолмапти. Биринчи навбатда уларни фаолликка йўналтирадиган чора-тадбирларни айнан ўзлари ишлаб-чиқиши лозим. Зеро, улардаги "ижтимоий-сиёсий"

Энг аввало, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри вақиллари бўлган қатнашчилар бир-бирининг фаолияти билан танишиши имконига эга бўлишга ни қувонарли ҳол.

Энг аввало, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри вақиллари бўлган қатнашчилар бир-бирининг фаолияти билан танишиши имконига эга бўлишга ни қувонарли ҳол.

Билимларининг ортиши мавжуд муаммоларни ҳал этишга замин яратди. Бу ўз навбатида уларни янгидан янги тақлиф ва ташаббуслар билан чиқишга ва уларни амалда татиқ этишга олиб келади.

### Баҳринсо Норжигитова, ЎЗМТДП Гулистон туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:

— Энг аввало, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри вақиллари бўлган қатнашчилар бир-бирининг фаолияти билан танишиши имконига эга бўлишдан қувонарли ҳол. Бу йил жуда катта синов арасида турганлигимизни инобатга олсак, ҳар бир хотин-қизнинг ўз олдига қўйган мақсади билан бирга маъсуляти ҳам ўқоридир. Албатта, биз сайловолди тай-

ёргарликларимизни бошладик. Бунда шу пайтгача тўпланган билимлар ҳамда амалга оширилаётган тадбирлар муҳим ўрин тутди. Яна бир нарса, эртага сайланган депутат биринчи навбатда партия нуфузини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари номзодлар ҳам партиянинг нечоғлиқ жамият ҳаётида ўрни борлигини кўрсата оладиган депутат бўлиши керак. Шу ўринда фаолларимиз билан бир-галлик бўлажак депутатлар салоҳиятини ошириш борасида бир қатор ишлар йўлга қўйилмоқда. Шулардан бири сифатида семинар-тренинглари келтириш мумкин.

### Баҳринсо Имомова, ЎЗМТДП Янгийўл туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:

— Сизнинг фикрингизга қўшиламан, тўғри, бу маълум маънода кўзланган мақсадни оқлайди. Аммо, бу билан барча аёлларимизнинг сиёсий билимлари шаклланиб қолмайди. Масалан, хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш ва бунда учрайдиган муаммоларини тадқиқ этар эканмиз, партия фаоллари ва ходимларининг аёллар билан иш олиб боришдаги ўзига хос йўналишларни топишни кучайтириш масаласига ҳам эътиҳ сезамиз. Чунки, ҳар бир хотин-қиз қалбига кириб бориш қийин ва ўзига яраша маъсуляти ҳамдир. Шу билан бирга қўтарилган мавзу орқали чекка-чекка ҳудудлар ва уларда истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг орзу-уйларини, қизиқишларини қамраб олиш осон эмас. Бунда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йигинлари, ўқув муассасалари ва бошқа қўллаб-қувватлаш билан ҳамкорлик кучайтирилиб, у ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар орасига амалий ишлар воситасида кириб бориш кўзланган мақсадларга эришишни тасминлайди. Биргина тадбир ёки давра сўхбати билан бу масала амалда ўзини оқламайди. Бизда масаланинг

## ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

# Ёшларни миллий руҳда тарбиялаш

мавзусига тадбирларда алоҳида эътибор қаратилди

Сарвар ХУРРАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ФЖУИ Бухоро вилоят минтақавий ахборот-таҳлил марказида "Ёшлар – миллий давлатчилигимиз ва миллий манфаатларимиз таъини" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ФЖУИ вақиллари ва партиянинг "Ёшлар қаноти" етакчилари иштирок этди. Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ражаббой Рўзметов ёшларимизнинг сиёсий жараёнларда иштирокини, ҳуқуқий маданиятини ошириш энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. Тадбир давомида ёшлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мақсад ва гоълари билан янада чуқурроқ танидилар.

Ёшларни миллий руҳда тарбиялаш ва уларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш давлат ва жамоат ташкилотларининг, хусусан ЎЗМТДП олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, - деди ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Т.Усмонов. - Бу вазифаларни бажаришда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш керак. Семинар баҳс-мунозарига бой бўлди.

ЎЗМТДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан вилоят Маънавият ва маърифат марказида "Қишлоқ тараққиёти – юрт истиқбол" мавзусига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ва ОАВ вақиллари иштирок эттидилар.

Тадбирни ЎЗМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Фарҳод Норматов кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Анжуманда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ЎЗМТДП вилоят кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда бу борада партия аъзоларининг сиёсий фаоллиги, билимларини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларга тўхталиб ўтдилар.

ЎЗМТДП Бандихон туман кенгаши "Қамолот" ЕИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида "Одам савдосига қарши курашайлик" мавзусида давра сўхбати ўтказди.

Тадбирда туман халқ таълими бўлими, туман ички ишлар бўлими вақиллари ва партия фаоллари иштирок эттидилар.

Давра сўхбатини ЎЗМТДП Бандихон туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ш.Бегимқуллов очиб берди. Шунингдек, тадбирда сўз олганлар туманда одам савдосига қарши курашиш бўйича қилинаётган ишлар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Давра сўхбати сўнггида амалга оширилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришга қелишиб олинди.

ЎЗМТДП Чортоқ туман кенгаши "Қамолот" ЕИҲ ҳамда "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда Наманган, Янгийўл туман ва Чортоқ туман ёшлари ўртасида "Футбол менинг келагим" шiori остида футбол мусобақасини ташкил этди.

Тадбирни ЎЗМТДП Чортоқ туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ю.Алимов кириш сўзи билан очиб, мусобақа иштирокчиларига омад тилади. Шундан сўнг ўйинчилар майдонга тушишди. Эпчил ва чаққонлиги билан қизиқарли ўйин кўрсатган спортчиларни томошабинлар олқишлаб турдилар. Мусобақа якунига кўра Наманган тумани биринчилигини қўлга кiritибди, партиянинг эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

"Миллий қадриятлар – миллий манфаатлар асоси" мавзусида ЎЗМТДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан шаҳар 3-сон поликлиникасида давра сўхбати ўтказилди. Давра сўхбатида шифокорлар, ҳамширалар ва партия фаоллари иштирок этдилар. Тадбирни поликлиника бош шифокори А.Бобоқуллов олиб борди.

Шундан сўнг ЎЗМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия кўмитасининг раиси ўринбосари Д.Шарипов сўзга чиқиб миллий қадриятларимиз ҳақида маъруза қилди.

Давра сўхбатида миллий манфаатлар, сиёсий партиялар фаолияти ва уларнинг жамиятдаги ўрни борасида бир қанча саволлар берилиб улар юзасидан баҳс-мунозарга ўтказилди.

ЎЗМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ва "Сирдарё наволари" ашула ва рақс ансамбли ўзаро ҳамкорликда "Назм ва наво" деб номланган шеърят кечаси ўтказди. Тадбирда таниқли шоир ва санъаткорлар, актёр ва актрисалар ҳамда партия фаоллари иштирок эттишди. Кечада шоир Анвар Тоғоев ва Ҳасан Абдувоҳидов шеърларини ўқидилар.

Шундан сўнг "Сирдарё наволари" ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандаси, партияимиз аъзоси Асатилло Холиқов ва бир қатор ёш ижроичилар томонидан шоирларнинг шеърларига бастаналар қўшиқлар қуйландилар.

ЎЗМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Фарҳод Норматов тадбир ахамияти ҳақида тўхталар экан жумладан, шундай деди: - Бундай кечалар асосан иштирокчиларда миллий ўзлигини англаш, миллий гуруҳ, Ватанга бўлган садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустақамлашда муҳим ўрин тутди. Бу каби шеърят кечаларини келгусида ҳам мунтазам ўтказиш тўхтатилмаст, навбатдаги тадбирда шоира Баҳорой Холбекова ва шоир Али Насрий ижоди ўрганиладиган бўлди.

ЎЗМТДП Бойсун туман кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан тумандаги "Малика" корхонаси биносиди "Миллий тикланиш – фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми" мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Унда МФЙ, "Агробанк" вақиллари ҳамда партия фаоллари иштирок эттидилар.

Давра сўхбатини ЎЗМТДП Бойсун туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Д.Орипов очиб берди. Тадбирда сўзга чиққанлар фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида миллий тотувлик, миллий қадриятларини англаш ва сақлашнинг ахамияти, шунингдек истиқлолдан кейин мамлакатимизда бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталдилар. Давра сўхбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

борилиши семинарнинг самардорлигини янада оширишга хизмат қилди десак янглишмаган бўламиз. Сабаби, бу машғуллар партия "Аёллар қаноти" аъзоларининг мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни, сиёсий партиялар фаолияти, мақсади ва вазифалари, сайлов қонунчилиги ва халқаро тажрибалар ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилди.

### ФЖУИ лойиха раҳбари Дилбар Рашидова мазкур ўқув-семинардан кўзланган мақсад ҳақида тўхталар экан, жумладан шундай деди:

— Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳамда партия "Аёллар қаноти" аъзоларининг хотин-қизлар билан ишлашда янгича методикасини тавсия этишдан иборат. Бу ишлар босқичма-босқич, йиллар давомида амалга оширилиб боришмоқда. Гувоҳи бўлганнингиздек, иштирокчиларимиз давлат, жамият, жамоат ташкилотлари, си-

яни ўзгаришлар бўйича чуқур маълумотлар берилди. Қувонарлиси шуки, аёлларимиз ҳар бир машғулота жуда катта қизиқиш билан қарашмоқда. Даставвал семинарнинг Хоразм вилоятида бошланиб, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида давом эттирилди. Ниҳоят Тошкент шаҳрида ҳам бўлиб ўтмоқда. Эътиборлиси, қатнашчилар семинардан сўнг "кўп нарсани ўрганишимиз зарур экан", деган хулосага келишяпти. Буни ушбу семинарнинг аёлларга нимадир бераётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Айни дамда катта сиёсий жараёнлар, яъни сайловлар арасида турибмиз. Хабарингиз бор, сайлов тўғрисида мавжуд қонунларимизда Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вақиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан аёлларга 30 фоиз ўрин ажратиш шarti белгилаб қўйилган. Бу ҳам аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган муҳим ишлардан биридир. Улар-

## БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

# Масъулият ва самарадорлик

фаолиятимиз мезонига айланиши керак

Вилоятда ЎЗМТДП Шеробод туман кенгаши йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Айни кунда унинг таркибиди 9 нафар халқ депутатлари туман кенгаши депутат, 31 та бошланғич партия ташкилот, шунингдек мингга яқин аъзолар бор. Кенгаш бошқа партия ташкилотлардан ташаббускорлиги ва амалий ишлари билан ажралиб туради. Энг фаол ташкилот ва аъзоларга эга бўлган тумандаги 27-умумий ўрта таълим мактабиди 1500 га яқин ўғил-қизларга 120 нафар ўқитувчи, мураббийлар таълим-тарбия бериб келмоқда.

Бу ерда 35 нафар аъзодан иборат бошланғич партия ташкилоти ҳам тузилган бўлиб, унга маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилфуза Темирова етакчилик қилади.

БПТ иш режасида асосий эътибор партия Устав ва Дастури, қабул қилинаётган қонунлар, Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ахамиятини аҳолига тушунтириш ишларига қаратилган. БПТ аъзолари томонидан бой тарихимиз, тикланаётган миллий қадриятлар ва аънаёлар, маънавиятни юксалтиришга қаратилган ишларни тарғиб-ташвиқ қилишда давра сўхбатлари, мулоқотлар ташкил этиб келинмоқда.

Ташкилотнинг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолияти ҳам ибратга лойик. Жумладан, ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол гоёсини сингдириш, уларни турли ақидапарастлик, лoқайдлик каби иллатлардан асраб-авайлаш, зарарли гоё ва мафқуралар таъсирини тушиб қолишининг олдини

олишга қаратилган мавзуларда тадбирларнинг ўтказилаётгани ҳам исботлаб турибди.

Масалан, туман кенгаши "Ёшлар қаноти" билан ҳамкорликда "Миллий гоё-бизнинг гоё", "Партия ва ёшлар", "Ўзбекистон Ватаним меним", "Ёшлар келажагимиз таянчи", "Комил инсон гоёси" мавзуларида ўтказилган давра сўхбатлари, тадбирларни олайлик. Улар ёшлар фикрини шакллантиришга, эзгу-мақсадлар сари ҳаракат қилишга ундаётгани билан ахамиятлидир.

— Айни дамда республикамиздаги барча ўқув масканларида эъти дам олиш мавсуми бошланиб кетди. Ўқувчиларнинг буш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказиш мақсадида турли тўғаракларга, спорт мусобақаларига жалб этиш, шунингдек фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун маҳаллалар, ота-оналар, мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда пухта режа тузиб чиққанмиш ва шу асосда иш олиб бориш зарур. Ишонаманки у албатта ўзининг ижобий натижасини беради, дейди етакчимиз.

Дилфуза Темирова туман кенгаши "Аёллар қаноти"нинг фаол аъзоси сифатида хотин-қизлар кўмитаси, маҳаллалардаги диний-маърифий маслаҳатчилари билан ҳамкорликда турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ишларида ҳам доимо илгорлар сафиди. Масалан, яқинда республика босқичи ўз ниҳоясига етган

"Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг туман, вилоят босқичида ушбу мактаб ўқитувчиси Нилуфар Бобоевага ўзининг маслаҳатлари билан бош-қош бўлди.

Мактабда сифндан ташқари ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўқувчилар туман мактаблари ўртасида ўтказилаётган "Яшил чирок", "Сиз тарихни биласизми?", "Гибҳандлик – аср вабоси" мавзуларидаги кўрикларда, иншо-лар танловиди гоилибликни қўлга кiritиб келишмоқда.

Тиниб-тинчимас, фидойи раҳбар, бошланғич партия ташкилотининг етакчиси сифатида Дилфуза опа партия аъзолари билан бўлган ҳар бир тадбирда "Биз киммиз? Бизнинг аждодаларимиз ким? Бизнинг миллатимиз нима ҳисобидан юксалди ва жаҳонга машхур бўлди? Бугунги кунда жаҳон шоҳсупасига чиқиш учун қандай имкониятлар мавжуд? Биз келажаги буюк давлатни қуришни истар эканмиз, у ҳолда бунинг учун қандай шарт-шарoitлар мавжуд?" каби саволларни ўртага ташлаб, юртдошларимизни уларга лойик бўлишга ундайди.Халоллик, фидойилик, изланувчанлик унга ва иш фаолиятига хос тушунчалар саналади.

### Р.ХУДОЙҚУЛОВА, ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси етакчи мутахассиси

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ИЗХОР

### Муборак байрам чорлайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Беруний, Хоразмий, Марғиноний, Фарғоний, ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темур, Бобур, Машраб, Тўмарисларни вояга етказган жаҳонга машҳур миллатнинг вакилимиз. Бу аллома, аждодларимизнинг бебаҳо мерослари пойдевориди зарҳал ҳарфлар билан битилган ўзбек номини яна ҳам улғушлаш, сизу биз учун фарзандлик фарзи, қарзи, ор-номуси, шарафу шони эканлигини асло унутмаймиз. Зеро, бунга Юртбошимиз тамал тоши қўйган мустақил Ўзбекистоннинг келажагини яратиш масъулияти чорлайтир.

Бахтимиз шундаки, биз истиқлол фарзандимиз, ўғил-қизларимиз набираларимиз мустақиллик билан эмакдош, эгизаклар. Улар тил-солида янги ҳаёт бунёдкорлари озодлик майдониди буй чўзишгаётганини жаҳон кузатмоқда. Истиқлол меъмори Президентимиз Ватан келажагини ёшлар билан чамбарчас боғлиқлигини тақрор-тақрор ўқирмоқдалар. Шу боис, баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Таъкидлаш ўринлики республикамизда ўзига хос мавқега эга бўлган Наманганда ҳам истиқлолнинг 18 йиллигига муносив ҳозирлик қўрилмоқда. Ҳар бир юртдошимиз қалбиди фахр-ифтихор, шукроналик туйғуси шакланган. Бир сўз билан айтганда байрамона руҳ кезиб юрибди. Наманганнинг шаҳару қишлоқларида ҳам бир-бирдан гўзал, муҳташам боғча, мактаб, лицей, коллежлар қурилиб, ишга туширилдики, булар келажақ авлодга хизмат қилапти. Ҳўжақўрсинга эмас, миллат тақдирини учун зиё, касб-хўнар олиш мақсадиди қилинаётган бу савобли ишларни фақатгина қалби сўқирлар кўрмаслиги, ҳис этмаслиги ва тушунмаслиги мумкин. Аҳамиятини, заруриятини эса мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун бел боғлаган тоза ниятли кишилар юрак-юракдан сезишяпти. Тўғри, баъзида "ўқиб менга дунёни олиб берармидинг, пул топ, бозорга чиқ, аравақалик қил" дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Аммо ҳали ақлини таниб улгурма-

тараққиети ва фаровонлиги йили"даги бу галги тадбир ҳам кўтаринки руҳда ўтганини эшитиб хурсанд бўлдим. Ҳозир эса техника фанлари йўналиши бўйича номзодликни муваффақиятли ҳимоя қилиб, яна кадрдон жамоамга — устозлар сафига қайтдим.

**Гулҳай Абдуваҳобова - НамМИИ "Ме-нежмент" факультети талабаси:**

— Мулкчиликнинг қалдирғоч вакили-фермерлик вилоятимизда тобора ривожланиб ер ўз эгасини топмоқда. Мен вилоятда ўтказилган анжуман ва конференцияларда соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, мақсад ва вазифаларни тингловчиларга етказишга ҳаракат қиламан. Баҳс-мунозаралар эса мавзунини тўлиқ тушуниш, англаб етишга имкон яратади.

Институтимиздаги ҳар беш нафар талабадан бири у ёки бу мавзудаги илмий-тадқиқот ишлари билан банд. Биринчи босқичдан бошлаб, 60 нафардан ортиқ тенгдошим ўқув юрти тарихиди илк бор талабалар анжумани маърузачиларига айланди. Олий таълим вазирлигининг "Иқтидорли талабаларни иккинчи босқичдан бошлаб, илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, уларнинг мавзуларини факультет илмий-кенгашларида тасдиқлаш ва календар иш режаларини тузиш тўғрисида"ги талаблари ижроси тўғри йўлга қўйилапти, деб биламан.

**Зулхумор Маҳмудхўжаева, Республика Молия вазирлиги масъул ходими:**

— НамМИИни битирганман. Шу даргоҳда водийда биринчи бўлиб Зулфия номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлдим. Унда Х.Аҳмадхўжаев, Р.Муродов, Ш.Саидбоев каби устозларимнинг берган таълим ва кўмаклари келгуси ҳаётимда катта сабоқ бўлмоқда. Бунинг ҳам истиқлолнинг бир нэммати, деб биламан.

**Дилдора Йўлдошева, НамМИИ "Механика-технология" факультети 4-босқич талабаси:**

— Илм олиш биз ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Мақсадимга етиш йўлида қийинчиликлардан чўчимаيمان. Устозлар кўмағида аънанавий ва замонавий услублар асосида

## ТЕНГДОШЛАР



### Ёшлар — ҳал қилувчи куч

экани биздан янада фаол, шижоатли, ташаббускор бўлишни талаб этади

*Мени бир масала анчадан буён ўйлантириб келади. Бизнинг диёр ёшлар мамлақати. Аҳолининг асосий қисмини унинг-ўсиб, катта ҳаётга кириб келаётган ёшлар, тенгдошларим ташкил этади. Агар ҳар биримиз биттадан дарахт экиб кўкартирсак, юртимиз яшил ўлкага айланади. Ҳар кунни биттадан яхши иш қилсак, ҳам савоб, ҳам фойдали. Биттадан гишт қўйсак, муҳташам қаср бунёд этилади...*

**Меҳрибон ОЛЛАБЕРГАНОВА, Ҳамза темирйўл коллежи ўқитувчиси**

Кўрииб турибдики, ёшлар ҳақиқатдан катта куч. Президентимизнинг бизга ишониши, таяниши бу кўндан бунёдкор ёшларни амалга оширишда янада самаралироқ фойдаланишга давват этмоқда.

Ёшлар — демократик жамият қурилишида ҳал қилувчи кучдир. Мамлакатимизда ёшлар масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишиларидан биридир. Зотан, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш, ҳаётини муҳим манфаатларини таъминлаш, касб маҳорати ҳамда маънавий салоҳиятини юксалтириш, моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар ҳар бир ёш камолотида муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг илк йилида "Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ҳар йили алоҳида соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олган Давлат дастурларида ёшлар масалаларига оид алоҳида бандлар белгиланади. Масалан, биргина "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини олайлик. Унда фермер хўжалиқларида меҳнат қилаётган ёш оилаларга уй-жой қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, 500 мингга яқин иш ўрни яратиш ва ёшларни иш билан таъминлаш, 6 та академик лицей ва 164 та касб-хўнар коллежлари, 65 та мактабни 2009-2010 ўқув йилида ишга тушириш, 668 та мактабни капитал реконструкция қилиш, 1703 та қишлоқ мактабини замонавий ўқув лаборатория, компьютер

ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш ва бошқа қатор тадбирларнинг белгилангани ҳамда изчил амалга оширилаётгани ёшларга гамҳўрликнинг яна бир ёрқин намунаси.

"Таълим тўғрисида", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунлар, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", "Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури", "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги мамлакатимиз Президенти фармон ва қарорлари ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг муносиб давомчилиги бўлиб етишиларини учун муҳим ҳуқуқий асос яратди.

Юртбошимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, жамият ривожини, юрт истиқболни хусусиди гапирар экан, бунда ёшларнинг иштироки, улар олдида турган вазифаларни ҳар гал алоҳида эътибор қаратади. Мамлакат раҳбарининг "Энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлиш оловқалб ёшларимиздир. Сиз, азизларим, биз бошлаган ишларнинг давомчилиги сифатида олдимизга қўйган мақсад-ҳеч қимдан кам бўлмайдиган, демократик овоз ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чўқур ҳис

этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга албатта қодир бўлишингиз керак", деган сўзлари мамлакатдаги ҳар бир йигит-қизни янада шижоатлироқ бўлишига чорлайди. Бу албатта қалбиди шу юрт келажағи учун дахлдорлик ҳиссини туйган ёшларни янада жиҳадка бу эзгу ишлардан четда қолмасликка давват этиши, янги мақсадлар сари интилишга ундаши, табиий.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз кимнинг, қандай буюқ зотларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англаб, ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасоратидан доимо фахрланиб, гурурланиб яшашимиз зарур. Шу билан бирга, уларга муносиб авлод эканимизни амалда кенг намоён этиш талаб этилмоқда. Зеро, тенгдошларимизнинг гайрат-шижоати, ўз қучи-га ишончи, элу юртидан гурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажағи чиндан буюқ эканига ўзи қатъий ишонч ҳосил қилсин.

Зиммамиздаги масъулиятнинг катталигини ҳар биримиз чуқур ҳис қилиб турибмиз. Бунинг учун барча ёшлардан бирдамлик, жиҳад, ягона мақсад сари дадил интилиш талаб этилади.

ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айланма йўллар орқали қўшни республикага олиб чиқишга урингани маълум бўлди.

Бухоро вилоти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда 2 та ҳолатда салкам 9 тонна олма контрабандасига чек қўйишди. Тезкор тадбирлар давомида давлат рақами "20 K 10 79" бўлган "КаМаз"нинг сафарти эрта қариди. Боиси, унга ортилган 20 миллион сўмга яқин қийматдаги хорижда етиштирилган олмаларнинг тегишли ҳужжатлари йўқ эди. Юк эгалари бухоролик Т.Отаев ва Р.Иргашевлар ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан фақатгина ўзлари панд ейишди.

Навоий вилоти божхоначилари эса йирик микдордаги пивё контрабандасига чек қўйишди. Урганч томон йўл олган давлат рақами "22 E 32 94" ва "22 D 98 46" бўлган "КаМаз" юк машиналари божхона назоратидан ўтказилганда, уларга ортилган 28 тоннадан ортиқ пивёнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқлайдиган ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди. Яқна тартибдаги тадбиркор Э.Нормановга тегишли ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиймати салкам 26 миллион сўмини ташкил қилар экан.

2009 йилнинг 1 майга қадар божхоначилар томонидан 990 та ҳолатда жами қиймати 1 млрд. 823 млн. сўмдан ортиқ бўлган 1743,3 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинган.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ, Давлат божхона қўмитаси Раҳмат хизмати инспектори**

### Юрт тақдирини ишончи қўлларга топшираман, деган давлат ва унинг раҳбари ёшлар истиқболни учун нимаки зарур бўлса ҳаммасини муҳайё этмоқди. Янги-янги имкониятлар эшиклар очилиб, нафақат иқтисодлари, қобилиятли ёшлар, балки барча ўсиб келаётган ҳаётда гамҳўрлик кўрсатиляпти.

ган жигарбандига рўзгорнинг оғир юкини елкасига осиб қўйиш ҳам инсофдан эмас. Шунга қарамай, ҳукуматимиз томонидан жамиятдаги баъзи иллатларга қарши курашиш чораларига жиддий эътибор берилмоқда. Халқимизда "Ҳамкорликда ҳикмат кўп", деган ибратли нақл бор. Шу жиҳатдан бу борда халқнинг ҳам иштироки, идроки, ҳамфикрлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг бир неча минг йиллик тарихига шода-шода маржон бўлиб тақилувчи замонда яшаб, бу унутилмас жараёнларда иштирок этаётганимиздан ҳар биримиз фахрланамиз, албатта.

Юрт тақдирини ишончи қўлларга топшираман, деган давлат ва унинг раҳбари ёшлар истиқболни учун нимаки зарур бўлса ҳаммасини муҳайё этмоқди. Янги-янги имкониятлар эшиклар очилиб, нафақат иқтисодлари, қобилиятли ёшлар, балки барча ўсиб келаётган авлодга гамҳўрлик кўрсатиляпти. Авлодимизнинг бахти шундаки, истиқлол шарофати билан дунёдаги нуфузли мамлакатларда ўқиш насиб этапти. Мустақилликнинг 18 йиллик байрами арафасида халқимиз кайфиятидан, юртимиздаги бунёдкорлик ишларидан қалбимиз қувончага тўнади.

**Матлуба Сайфиева, ТТЙСИ аспиранти:** — Очигини айтганда, мен учун кадрдон бўлган даргоҳ Наманган Мухандислик иқтисодиёт институтиди ҳар йили талабаларнинг илмий-амалий анжумани ўтказилиши ўзига хос ёшлар илганиларининг кўриғига айланган. "Қишлоқ

либослар яратиш, дизайнликни ўрганаёман. Мурасасиз курашлар, бахслар танловларда қатнашиб тобланаёман. Ўтган йили институт муқофоти лауреати бўлдим. Бизгача шу ерда таҳсил олган Матлуба Сайфиева, Дилшод Исмоиловдек тиришқоқ, илмга чанқоқ ёшлар изидан бораяпман. Бундай истеъодларни топиш ва тарбиялаш тажрибаси институтимизда шакланган.

Дарҳақиқат, ёшларимиз миллатимизнинг, мамлакатимизнинг, истиқлолимизнинг таянчларидир. Улар фидойи ва садоқатли устозлари этакларини тутиб, юрт фарзандлари қиладиган кашфиётларни дадил ёритишяпти. Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари" китоби бўйича кўрсатмаларини ўқиб-ўрганиб мамлакатимизда янги-янги ижодий изланишларни йўлга қўйиб, мустақил ватан равнақига ҳисса қўшишяпти. Улар ўзларининг изланишлари билан тенгдошларига чинакамига ибрат бўлишяпти. Юртбошимизнинг энг улуг ва энг буюқ байрам Мустақилликнинг 18 йиллигини муносив кутиб олиш ҳақидаги қарорини жамоа профессор-ўқитувчилари ва оловқалб талаба йигит-қизлар кўтаринки кайфиятда қаршиламмоқдалар.

**Абдунаби ҚОРАБОВ, НамМИИ "Ахборот" гуруҳи раҳбари, журналист**

## УЧРАШУВ

### Барчамиз масъулмиз

Чиноз туманида "Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш ва божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олиш" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу учрашув Давлат божхона қўмитаси, "Istiqbolli avlod" Ёшлар ахборот-маърифат маркази ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Юртимизга қаратилган турли хуржларнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш, мамлакатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, божхона қонунчилиги бузилишига йўл қўймаслик буғуннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этишда нафақат муассасди ташкилотлар, балки кенг жамоатчиликнинг иштироки ҳам ўта муҳимдир. Республикаимизда одам савдосига қарши курашиш

борасида ҳуқуқий база яратилди, қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидандир. Маъзур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ташкил этилди.

Дастлаб йиғилганларга қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар, одам савдосига қарши курашиш борасида атрофича маълумот берилди. Шунингдек, "Истиқболли авлод" нодавлат-нотижорат ташкилоти ёшлар дастури координатори Шохида

Қосимова Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан кўргазмали маъруза қилди.

Тадбир доирасида божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олиш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, ҳозирги пишиқчилик даврида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ноқонуний олиб чиқишга уринишлар кузатилмоқда.

— Бу иллатга қарши курашишда маҳалла алоҳида ўрин эгаллайди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилоти бўлимининг масъул котиби Раҳматилла Ибрагимов. — Чунки, фуқаролар билан юма-юз ишлаш имкони бор. Айниқса, одам савдосидан жабр кўрганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни маънан қўллаб-қувватлаш борасида маҳаллалар жонбозлик кўрсатмоқда.

Учрашувда Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш ва божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ҳақида тайёрланган видеороликлар ҳам намойиш этилди.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс"**

## ҚИНГИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ...

### Айланма йўллардаги "тадбиркорлар"

*«Ошинг ҳалол бўлса, кўчада иш», дейди доно халқимиз. Республикаимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт-импорт қилиш учун тадбиркорларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган бир пайтда айрим қимсалар юртдошларимизнинг ризқини қийиб, қингир йўллардан борилишни, ноқонуний хатти-ҳаракатларини ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди.*

Яқинда сирдарёлик божхоначилар йирик микдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқишига чек қўйишди. Давлат рақами 12 А 34-75 ва 12 I 00-68 бўлган "КаМаз"лар чегарадош ҳудудлардаги айланма йўллар орқали қўшни давлатга чиқиб кетишга уринган пайтда божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди. Ўтказилган текширувлар натижасида, юк машиналарига тегишли ҳужжатларсиз оз эмас, кўп эмас нақд 24 тонна қарам юкларини маълум

бўлди. Юртимизда етиштирилган қиймати салкам 5 миллион сўмини ташкил қилувчи ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фуқаро Бахтиёр Содиқовга тегишли экан. Давлат рақами 01 В 978 АА бўлган "Зил" юк автомашинасига ҳам салкам 9 тонна анор, майиз, қурут, помидор, ёнғоқ мағизлари - жами 24 хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва 5 турдаги хўжалик моллари юклариди, улар яширин равишда четга олиб чиқишга мўлжалланган экан. Қаранг-ки, "Эшагини сўғор-у, пулин ол" қабиллада иш тутган хайдовчи Омон Тўхтақулов чинозлик Аъзам ва Улмас исми кишиларнинг илтимосига биноан автомашинасига 23 миллион сўмлик юкларни ортинга ортгану, аммо юк эгаларининг шахси, ҳужжатлари билан яқиндан қизиқиб кўрмаган эмиш. Юк эгаларининг фақат исмларини билиш билан қифояланган хайдовчи юкларга тегишли ҳужжатларнинг бор-йўқлигига ҳам эътибор бермаган. Оқибатда эса бундан ўзи ҳам панд еди.

Мирзаобод туманининг чегарадош ҳудудларидаги айланма йўлларда давлат рақами 12 Е 3085 бўлган "Зил" юк машинаси ҳам бежизга "адашиб" юрмаган экан. Сабаби, сирдарёлик божхоначилар мазкур юк машинасида 4 тонна қарам ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетилаётганини аниқлашди. Фуқаро Ф.Маманазаров



# ЖАРАЁН

## ТАЪЛИМ

**Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи туманнинг намунали масканларидан ҳисобланади. Бу ерда камол топаётган ўқувчилар билими ва иқтидори билан вилоятда ўтказилаётган турли кўрик-танловларда муносиб иштирок этиб, ижобий натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Боиси бу масканда ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шароитлар муҳайё этилган.**

**Ориф ХОЛИКУЛОВ,**  
“Milly tiklanish” мухбири



## Эртамиз таянчи ва суянчи

— Биз доимо ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун имконият яратишга ҳаракат қиламиз, - дейди коллеж директори Нейматилла Ибрагимов. — Ўқувчиларимизнинг ўз йўналиши бўйича таҳсил олишдан ташқари, қизиқишига қараб ЭХМ оператори, тикувчилик, дурадгорлик касбларига ҳам қўшимча дарслар ташкил қилганмиз. Бу ўқувчиларнинг коллежда бир йўла икки касбни ўрганади дегани. Бундан ташқари, ёш ҳуқуқшунослар, инглиз тили, физика, биология, математика каби тўғарақларнинг фаолият кўрсатиши ўқувчиларнинг ушбу фан-

лар бўйича янада билимини оширишга туртки бўлаётир. Аждодлар меросини ёшлар онгига синдириш, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, ватанга муҳаббат, олижаноблик фазилатларини шакллантиришга бағишланган турли тадбирлар, учрашувлар юқори савияда ўтказилади. Бундан ташқари хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган “Эрта никоҳнинг зарарли оқибатлари”, “Ўз жонига қасд қилмаслик”,

“Соғлом турмуш тарзи”, “Қизлар ҳаёси билан гўзал” мавзусидаги давра суҳбатлари соғлом турмуш тарзининг шаклланишига ҳисса қўшмоқда. Қувончлиси, коллежда спортга катта эътибор қаратилади. Нишонланадиган барча байрамларда гуруҳлар ўртасида коллеж биринчиликлари ўтказилади. Шунинг учун бўлса керак, шу йил “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида барча турлар бўйича вилоятда 3-ўринни, белбоғли кураш бўйича

2-ўринни эгаллашди. Енгил атлетика бўйича коллеж ўқувчиси Барно Холиқуллова вилоятда биринчи ўринни эгаллади. Вилоят миқёсида ўтказилган “Солиқ билимлари болаларга” кўрик танловида коллеж ўқувчиси Адолат Эргашева иштирок этиб, 2-ўринни қўлга киритди. “Касбим-фахрим” кўрик-танловининг республика босқичида Нейматилла Жонузоков 2-ўрин соҳиб бўлди. “Сиз қонуни биласизми?” кўрик танловининг вилоят бос-

қичида фахри биринчи ўрин коллеж ўқувчилари жамоасига насиб этди. Коллежга пойтахт Тошкентдан бир гуруҳ зиёлилар келиб, Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарининг моҳияти хусусида ўқувчилар билан учрашув ўтказди. Айни пайтда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да коллеж атрофи, унга ёндош маҳалларда ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Янги лойиҳалар

қишлоқ аҳолиси манфаатларига қаратилмоқда

**Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президент Ислом Каримов раҳбарлигида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш ҳамда қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилган кенг қамровли ва узоқ муддатларга режалаштирилган давлат сиёсати амалга оширилмоқда.**

Президентимиз таъбири билан айтганда, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Утган йиллар давомида қишлоқларимизда тобора авж олиб бораётган ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуларнинг ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги юқоридаги фикримизнинг яққол исботидир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаларида “айни вақтда, қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини — бу уй-жой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими — буларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор”лиги таъкидланди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур Дастур доирасида бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқирилиши ва қабул қилиниши режалаштирилган.

Хусусан, дастурда қишлоқ аҳли манфаатларига дахлдор, қишлоқдаги инфратузилмани янада ривожлантиришга йўналтирилган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуларни бугунги кун талаблари нуктаи назарида қайта кўриб чиқиб, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини қабул қилиш режалаштирилган.

**Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарши кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётган давра тўғри келмоқда. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.**

қилиниши ҳамда “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, амалга оширилаётган ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозиргача Адлия вазирлиги томонидан Давлат дастурининг 20 га яқин банди бўйича тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига розилик имзоси қўйилди. Бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари қабул қилинди.

Давлат дастури бўйича Президентимизнинг 2009 йил 22 январдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштириши яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2009 йил 27 январдаги “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2009 йил 29 январдаги “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларига реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтириши рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 январдаги “2009 йилда маҳаллий аҳамията эга бўлган умумий фойдаланиш автомобиль йўлларини ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш йўл-ма параметрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2009 йил 13 майдаги “Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида “Республикадаги энг яхши қишлоқ” танловини ўтказиш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди.

Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарши кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётган даврга тўғри келмоқда. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Шу боис Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳозирги инқирознинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларига кўрсатажак таъсири ҳисобга олинмоқда.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимизда дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини камайтириш ва аксинча, қишлоқни ривожлантириш орқали иқтисодий-иқтисодий янада тараққий этишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Нусрат ТОЙЧИЕВ,**  
**Сухроб ЖАББОРОВ,**  
**Бунёд ЭШОНҚУЛОВ**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
Маъмурий ва ижтимоий қонунчилик  
бошқармаси масъул ходимлари

## САНОАТ

### Корхона оёққа турди

бунинг учун тендер танловидан кейин киритилган сармоя асосий омил бўлмоқда

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**  
“Milly tiklanish” мухбири

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ортимиз иқтисодийёти тобора раванг топиб, барча соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритилди. Ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиниб, технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиши улар ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда яратилган қулай инвестицион муҳит натижасида кўплаб янгидан-янги саноят корхоналари ишга туширилмоқда. Бу ўз навбатида ички бозорни импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди имконини бермоқда.

Янгир шаҳридаги ёғочни қайта ишлаш комбинати бозор иқтисодийёти талаблари даражасида иш юритмаганлиги тўғрисида бир муддат тўхтаб қолди. Корхона тендер танловига қўйилди. Вилоят тендер комиссиясининг ҳал қилув қарорига асосан комбинат биноси “Янгиршифер” масъулияти чекланган жамиятга топширилди. Жамият ўз навбатида корхонани оёққа тургазиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 350 миллион сўм сармоя киритиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. У аслида эса комбинатга 410 миллион сўм сармоя киритди. Ушбу маблағ ўзини тўла қоплаб, катта фойда келтирди. Энг муҳими 25 нафар янгирлик ёшлар иш ўрнига эга бўлди. Жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки қўшни республикаларда ҳам ўз харидорини топиб улгурди. Утган йили корхона томонидан қўшни мамлакатларга 25 минг АҚШ долларини миқдориди маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда жамоа томонидан 100 миллион сўмлик товар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилиши режалаштирилган. Вилоятдаги паст рентабелли зарарга ишлаётган корхоналар ўрнида замонавий ишлаб чиқариш восталарига эга йирик саноят корхоналари пайдо бўлаётти. Бахт шаҳридаги “Бахт” қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳам паст рентабелли зарар кўриб ишлаётган жамоалардан саналарди. У ҳам тендер танловига қўйилди. Танловда ғолиб чиққан “Бахт Инвест Нур” масъулияти чекланган жамият корхонага 300 миллион сўм сармоя киритиш мажбуриятини олди.

Жамият корхонага 300 миллион сўм ўрнига 400 миллион сўм сармоя киритди. Киритилган маблағ эвазига корхона биноси қайта реконструкция қилинди. Сўнгги Хитой давлатида ишлаб чиқарилган экстрит цехи қайта ишлаш ва тозалаш линияси, қадоқлаш цехи ва энг сўнгги, замонавий русумдаги лаборатория жиҳозлари сотиб олинди. Айни кунда корхонада ҳар куни 100 тонна пахта, чигити қайта ишланмоқда. Жамоада ишлаб чиқарилаётган тоза ўсимлик ёғи, совун ва чорва озуқаларига бозорда талаб кучая бошлади. Корхонада дастлаб 15 нафар киши иш бошлаган бўлса, бугун уларнинг сони кескин ошиб 120 нафарга өтди. Гулистон шаҳрида ўнлаб саноят корхоналарида ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилишга катта эътибор қаратилганлиги боис, қўшимча иш ўринлари яратилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошмоқда. “Гулистон-Мим-Текстиль”, “Сарруна Текстиль”, “Пана” каби қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин ошмоқда. Шу сабаб ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар кўпайиб, халқ фаровонлиги кундан кунга ошиб бормоқда.

## АБИТУРЕНТ-2009

**2009-2010 ўқув йили учун қабул жараёни қандай давом этаётгани ҳамда бу борадаги янгиликларни билиш мақсадида Ажмиёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бўлди. Мазкур ўқув даргоҳи олий таълим ўқув юртлари ўртасида юқори нуфузга эга. Айни кунларда институтда қабул жараёни авж паллага кирган. Янги ҳаёт бўсағасида турган ёшларимиз ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳужжат топширмоқдалар. Бу ерда ўқишни хоҳловчи ёшларнинг институт ҳақида тўлиқ маълумот олишлари учун барча шароит яратилган.**

## Қабул қизгин давом этмоқда

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**  
“Milly tiklanish” мухбири

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига 2009-2010 ўқув йили қабул тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида”ги 152-сонли, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “2009-2010 ўқув йили қабулини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида”ги буйруқлариди белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида институтда катта тайёргарлик кўрилди, - дейди қабул комиссияси масъул котиби Шодмурод Алламуратов. - Таъкидлаш жоизки, институтимизда ўқиш истагида бўлган ёшларнинг кўпайиши таълим соҳасига эътиборнинг кучайишидан далolatдир. Барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича бу йилги қабул режаси 1621 нафар бўлса, шулардан 606 нафари давлат гранти, 1015 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишлари мумкин.

Дарҳақиқат, абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиниши самарали ташкил этиш мақсадида қабулга оид меъёрий ҳужжатлар,



статистик маълумотлар, янги касбга йўналтирувчи тарбиёт-ташвиқот лавалари, фанлар бўйича дастурлар, маслаҳат жадвали, эълонлар, йўналиш ва мутахассисликларнинг таълим стандартлари ҳамда уларнинг фаолияти акс эттирилган банерлар билан безатилган. Шунингдек, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш хоналари тартиб билан жиҳозланган, мутасадди, тегишли ташкилот ва ҳуқуқ

тартибот идораларининг ишонч телефонлари ёзиб қўйилган жадваллар ишлаб чиқилган. Узоқ жойдан келган абитуриент ва уларнинг ота-оналари учун институт талабалар турар жойидан махсус хоналар ажратилган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар учун бепул тайёрлов курслари ташкил этилган. Шуни айтиш керакки, мазкур педагогика институти республикада ташкил этилган ilk билим маскани ҳисобланади. Узининг 75 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган институт битирувчиларини ҳозирги кунда қўшни вилоятлар ва республиканинг барча шаҳар ва туманларидаги таълим тизимида учратиш мумкин.

Биз, миллий истиқлол ғояси ҳуқуқ ва маънавият таълим йўналишида ўқиш ниятида ҳужжат топшириб чиқаётган абитуриент Айгул Ескалиевани суҳбатга тортдик. У қабул жараёнида ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмагани, бу ердаги хизматлар ва турли эълонлар факультетлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериш баробарида институт ҳақидаги тасавури янада кенгайтирганини айтди.



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## БИЗНИНГ ШАРХ

Беҳбуд БОТИРОВ

Италиянинг Аквила шаҳрида "Катта саккизлик" давлатлари раҳбарларининг навбатдаги саммити якунида. G8 - Япония, Канада, Россия, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби давлат раҳбарлари ҳар йили ёз мавсумида ўзаро кенашуш учун саммитга йиғилишади. 36 йиллик аънавага айланб қолган бу йилги учрашувда Силвио Берлускони, Таро Асо, Барак Обама, Гордон Браун, Дмитрий Медведев, Никола Саркози каби давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок эттиди. Дарвоқе, саммитга дунёнинг ривожланаётган давлатлари ҳамда Африка мамлақати раҳбарлари ҳам таклиф этилди.


Аслида "Катта саккизлик" расмий мақомга эга бўлган ташкилот эмас: унинг қотибяти ҳам, бошқарув идоралари ҳам йўқ. Бундан ташқари G8 томонидан қабул қилинадиган қарорлар мажбурий кучга эга бўлмади, бор йўғи тавсия характерида. Бироқ саккиз давлат уларнинг муштарак мафазаларига хизмат қилувчи қатъий ва бўзимас тартиб-қоидаларга бўйсунди. БМТ эълон қилган айрим декларациялар қозғода қолиб кетиши мумкин, аммо G8 доирасида қабул қилинган ҳар қандай қарор амалда ижро этилади, гарчи у мажбурий кучга эга бўлмаса ҳам...

Аквиладаги саммит етакчилари дунё миқёсида қарийб бир йил давомида глобал молиявий-иқтисодий инқирози кузатилаётганидан буён илк маротаба учрашди. Анжуманда иштирокчилар кўпчилик кутганидек иқтисодий саволлар билан келишилгани йўқ, кўп томонлама учрашувларда қарийб ўнга яқин ҳужжат - иқлим ўзгариши, терроризмга қарши кураш, Африкадаги озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига доир ҳужжатлар қабул қилинди. Уч кунлик саммитда кузатувчилар дунё молиявий-иқтисодий инқирозига қарши жиддий чоралар кўрилиши кутилганди, аммо якунда бундай бўлиб чиқмади. Томонлар бугунги иқтисодий кўрсаткичлар мудом ўзгарувчан бўлиб тургани боис жаҳон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш бўйича ягона стратегия ишлаб чиқа олишмади. Бунга сабаб - етакчи мамлакатларнинг ҳар бири инқирознинг қайси бир даражасида турганлиги билан изоҳланди. Шунингдек, G8 бозордаги вазиятни янада оғирлаштирмаслик мақсадига долларнинг глобал захира валютаси сифатидаги роли муҳокамасини ҳам чуқурлаштиришмади.

"Катта саккизлик" аъзоларининг бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида уларнинг мамлакатлари иқтисодиёти тиклаш жараёнига

# "Катта саккизлик" саммити

дунёдаги глобал муаммоларни бартараф этишда иштирокчи давлатлар сонини янада кўпайтириш лозимлигини кўрсатди



кирган ёки қирмаганлиги ва бу борада келгусида қандай иқтисодий сиёсат олиб бориш масаласида қарашлари кескин фарқланди. Хусусан, Германия канцлери Ангела Меркелнинг айтишича, ҳукумат ва марказий банкларнинг оммавий равишда маблағларни йўналтириши охири-оқибат қарз ва инфляция билан боғлиқ янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Буюк Британия бош вазир Гордон Браун эса бу борада андак бошқачароқ фикрни илгари сурди: бу каби хавотирларга ҳали эрта, ҳозирги ҳолатлар дунё иқтисодиёти инқироздан чиқмаганлигини билдиради, шунинг учун ҳам ҳукуматлар иқтисодни тиклаш учун маблағларни йўналтиришда давом эттириши лозим. Россия томони эса бюджетдан ажратилаётган маблағларда эҳтиёткорлик зарур, деган фикрда. Халқаро валюта жағмарасмининг маълумотида, ривожланган Европа ва Америка давлатлари иқтисодининг жонлиниши жуда секинлик билан амалга ошди. Якунда саммит раҳбарлари инқироздан чиқиш ҳар бир давлатнинг ички иқтисодий шарт-шароитлари ва молиявий аҳолига боғлиқ, деган хулосага келишди.

Саммитда таклиф этилган Хитой делегацияси диққат-эътиборни Америка доллари глобал халқаро валюта резерви сифатида қанчалик роль ўйнаётганига қаратди. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида хориз валюталарининг асосий қисми долларда шаклланган. Бу АҚШга бўлган иқтисодий қарамлиқни кучайтирди. Иккинчидан, доллар курсининг тебраниши долларда асосий захирага эга бўлган давлатлар, жумладан иқтисодиёти шиддат билан ривожланаётган Хитойнинг "оёғига болта ўргандай" бўлди. Аммо шунинг ҳам унутмаслик керакки, ҳозир бутун дунё кредитлари, экспорт-импорт шартномалари асосан долларда тuzилган. Демак, барча ҳисоб-китоблар, олди-бердиллар ҳам долларда бўлиши назарда тутилса, ушбу таклифни амалга ошириш учун бироз вақт керак. Шунинг учун ҳам саммит етакчи-

лари Хитой ҳукуматининг мавзуну ривожлантиришга имконият беришмади. Ҳозирги даврда инсониятнинг табиатга таъсири кескин даражада ошди. Гигант иқтисодий қорхоналар томонидан атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар инсонлар саломатлигига таъсир этиб қолмай, сайёрамиз миқёсида кескин иқлим ўзгаришларига ҳам олиб келяпти. Саммитда томонлар иқлим ўзгариши ва зарарли газларни атмосферага чиқариши қанчалик камийтириш борасида тарихий муросага келишди. Хусусан, ривожланган давлатлар ҳароратнинг икки даражага кўтарилшининг аҳамиятини англаб етиб, 2050 йилгача зарарли газларнинг атмосферага чиқишини 80 фоизга қисқартиришга аҳдлашди. Эсингизда бўлса, 2007 йилда G8 гуруҳининг Германияда ўтказилган саммитида ҳам Япония, Европа Иттифоқи ва Канада етакчилари томонидан ишлаб чиқариш қорхоналарида атмосферага чиқарилаётган заҳарли газларни 2050 йилга бориб 50 фоизга камийтиришга эришиш ташаббуси илгари сурилиб, бу борада глобал шартнома ишлаб чиқиш бўйича ягона тўхтама келинганди. Ва ниҳоят, орадан икки йил ўтиб, жаҳон мамлакатлари кўпдан бери тил топиша олмаётган масала амалий тус олмақда. Аммо танганинг иккинчи тарафи ҳам бор. Мутахассисларнинг айтишича, йирик давлатлар ривожланаётган мамлакатлар хавотирларини ҳам инобатга олиши керак, чунки тилга олинган чоралар уларнинг иқтисодий тарақиётини секинлаштириши мумкин. Иқтисодий ривожланиш, тоза энергия ва чиқиндиларни камийтириш чораларини мувофиқлаштириш лозим.

Саммитда таъкидланганидек, иқлим ўзгаришига бир мамлакат айбдор эмас, муаммо ечими ҳам бир мамлакат қўлида эмас, уни биргаликда ҳал қилиш керак. Шунга қарамай, атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар Аквилада келишилган қарорлар етарлими, дедмоқда. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун чораларни 2050 йилгача кутмай, эртароқ амалга ошира бош-

лаш лозим, дейди у. (Эслатиб ўтамиз, иқлим ўзгаришига бағишланган йирик анжуман шу йилнинг декабрида Дания пойтахти Копенгагенда бўлиб ўтади).

Анжуманда биринчи маротаба "Катта саккизлик" сафини кенгайтириш, бошқа давлатларни ҳам қабул қилиш масаласи қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Италия бош вазир Силвио Берлускони оловга ёғ сачратгандек, глобал муаммоларни муҳокама этишда G14 (G8 ва Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Мексика, ЖАР ва Миср) анча самарали ва таъсирчан кучга эгалигини таъкидлади. Иштирокчи давлатларнинг айримлари "Катта саккизлик" фаолияти, унга аъзолик масаласида тўхталиб, ташкилот сафига кириш соддароқ бўлиши, янги аъзолар учун эшикларни очиш кераклигини айтишди. Матбуот конференцияси якунида саммит меъзоли G8, G14 ва G20 ҳам турли йўналишлар бўйича ўз фаолиятини олиб боришига ишонч билдирди. Берлускони саммит иштирокчиларини шу йил яна ушбу шаҳарда қашшоқликка қарши курашга бағишлаб ўтказиладиган анжуманга таклиф этган. Бу иштирокчилар учун қўрилмаган ҳол бўлди, боисики, таклиф қарор сифатида қабул қилинса, "Катта саккизлик" тарихида биринчи маротаба бир йилда икки маротаба саммит ўтказган бўлади.

Аквиладаги йиғинда энг самарали қарор сифатида Африкадаги қашшоқ мамлакатлар қишлоқ хўжалик тарақиёти учун 20 миллиард долларлик ёрдам кўрсатишга келишиб олингани бўлди. Маблағ очликка қарши кураш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланади. Давлат раҳбарлари кенгайтирилган ва икки томонлама учрашувлар чоғида халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари бўйича ҳам фикрлашиб олинди. Саммитда Эрон масаласи, президент сайловларидан сўнг авж олган намойиш ва қонли тўқнашувлар ҳам тилга олинди. Анжумандан олдин "Катта саккизлик" Эронга қарши санкция эълон қилди, деган тахмин бор эди. Бироқ давлатлар қатъий огоҳлантириш билан чекланган.

Бугун дунёнинг у ёки бу минтақасида ташкил этилаётган йирик анжуман ва конференцияларда нефть баҳоси, уни ишлаб чиқариш меъёрлари қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ушбу саммит ҳам бундан мустасно бўлмади. Дунё етакчилари 1 баррель нефть баҳоси 70-80 долларни ташкил этса, бу адолатли нарх бўлиши ҳақида умумий фикрга келишди. Бу нукта-назар Россия томонидан ҳам маъқулланди. Аммо анжуманда "қора олтин" нархини шундай диапазонда ушлаб тура оладиган механизм ишлаб чиқиш масаласи эса очик қолди.

Хуллас, уч кунлик саммит давомида иштирокчи давлатлар томонидан юқоридаги каби умумий, баъзида мавҳум қилишувларни инобатга олмаганда, кузатувчилар "машварат" ишчанлик руҳида ўтганини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, бугунги мавжуд глобал муаммоларни бартараф этиш борасидаги ишларнинг бошлангичи ёмон эмас. Аммо ютуқлар вақт талаб қилади.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Қидирув давом этади

Ҳаёқатга учраган "Air France" самолёти қолдиқларини қидириш ишлари тўхтагани йўқ.



Франциялик мутахассислар шу йил 1 июнда Бразилия ороллари атрофида қулаган йўловчи самолётини махсус сувошти кемалар ёрдамида қидириш ишларини яна 10 кунга узайтирган. Бу ҳақда Франс-пресс ахборот мақома-си хабар тарқатган. Айни пайтда улар масо-фадан туриб бошқари-ладиган Victor-6000 роботдан фойдаланишмоқда. Мазкур қурил-ма нафақат ҳалок бўлганлар, балки самолётдаги "қора қут"ни топиши лозим. Бундан аввалроқ, 27 июнь куни Бразилия расмий равишда қидирув-ёрдам операцияларини якунлаганини маълум қилганди. Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача аэробусдаги 228 нафар йўловчидан 51 нафарининг жасади топилган, холос. Мутахассислар "Air France" аэробуси ҳавонинг зарбидан вай-рон бўлганини билдиришган. Айримлар эса бу фикрни инкор этишмоқда.

## Янги харита

Колумбия университети иқлимни ўрганиш маркази, Хантер коллежи ва Population Action International суруҳи мутахассислари томонидан 2025 йилда Ер юзининг турли ҳудуд-ларида аҳоли ўзгаришларини эътиборга дунё харитаси тuzилади.

Бунинг учун картография, иқлим ўзгаришлари ва статистика-ни таққослаб чиққан олимлар янги харитада аҳолининг 1995-2025 йиллар оралиғидаги ҳолатини "чизиб" беришди. Унда кўрсати-лишича, мазкур йиллар мобайнида ривожланган мамлакатлар аҳолиси тобора зичлашиб бораверади (бунни башорат қилиш ҳозир ҳам мушкул эмас). Шунингдек, қирғоқ қизигидан 97 кило-метр масофада яшаётган аҳоли сони ҳам 35 фоизга ортади. Бу эса 2,75 миллиард киши денгиз сатҳи кўтарилиши ва бошқа иқлимий ўзгаришлар хавфи остида қолганини аниқлатади.

Харитани кўздан кечирар эканмиз, Жанубий ва Шарқий Евро-па ҳамда Япония аҳолиси қисқарганини кўрамиз. Энг қизиги, ҳатто ҳозирга қадар ҳам аҳоли сони мунтазам ўсиб бораётган Саҳара, Марказий ва Жанубий Америка, Филиппин, Непал, Туркия, Камбоджа, Бирма ва Индонезияни ҳам худди шундай ўзгаришлар кутмоқда.

## Жиддий ўзгаришлар

Япония бош вазир парламентни тарқатиб юбориши маълум қилди.



Кунчиқар мамлакат бош вазир Таро Асо парламентни тарқатиб, янги умумий сайлов ўткази-шни маълум қилди. Янги сиёсий тадбир шу йилнинг 30 август куни ўтказилиши мумкин. Бош вазирнинг бундай қутулмаган қарорига ўтган яқшанба куни То-киода ўтказилган маҳал-лий сайловлар сабаб бўлган. Ушундан Таро Асо бошчилигидаги Либерал-демократ-лар партияси мағлубиятга учраган. Унинг тарафдорлари пой-тахт парламентида атиги 38 та жойни эгаллашга муваффақ бўлган. Эслатиш жоизки, ҳозир Токиодаги қонунчилик органи-да жами 127 нафар ўрин мавжуд. Мамлакатда аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномаларга кўра, бош вазир Таро Асонининг 20 фоиз аҳолисинга қўллаб-қувватлагани маълум бўлган. Айрим маълумотларда ёзилишича, амалдаги бош вазир мудда-тидан олдин ўтказиладиган сайловдан аввалроқ ўз лавозими-дан кетиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида Арслонбек МУҲАММЕДОВ тайёрлади

## РАНГИН ДУНЁ

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Яқинда Цинциннати университетининг антро-пологлари Кентукки штатининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган гордан гаройиб белгиларни топишди. Тадқиқотчиларнинг раҳбари профессор Кеннет Танкерсли гор деворларидаги тасвирларни текшириб, у чероки ҳиндуларнинг ёзуви эканини аниқлаган. Унинг айтишича, ушбу топилма ажойиб алифбонинг яратилиш тарихини ўрганиш-га ёрдам беради. Тарихшунослар ушбу ёзувни чиро-ки ҳиндулари қабиласининг сардори — Секвойя исми кимса яратган дейишмоқда.

# Бир топилма изидан

ёки Секвойя — ҳиндулар алифбосининг асосчиси

ботаник Штефан Эндлихер ўз замонадоши — Жоржнинг меҳ-натини юксак баҳолаб, Кали-форниядаги энг баҳайбат да-рахтни "Секвойя" деб номла-ган экан.

Энди, келинг мақоланинг асл мавзуси бўлган чироки халқи ва Секвойянинг яратган алиф-боси тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Чироки халқи бугунги кунда Шимолий Америкада бошқа қабилалар орасида "энг рив-ожланган қабил" номига са-зовор бўлган халқдир. Қўшни халқларга нисбатан чироки хал-қи меҳнатқаш ва тиришқоқли-ги билан ажралиб туради. Шу билан бирга ушбу халқ ўз алиф-боси, суди, сенати, ҳукумати, конституцияси ва "Буюк сар-дор"га эга бўлган қабилла ҳисобланади. Айниқса, 1821 йилда Секвойя томонидан яра-тилган ёзув чироки халқининг жаҳолат ботқоғидан чиқишига катта ёрдам беради. Тез орада Чироки худудидидаги барча аҳоли 85 та белгидан иборат бўлган ёзувни ўргана бошлади. Шу тариқа бу ёзув бугунги кунга қадар сақланиб қолиниб, айни пайтда 10 000 дан ортиқ аҳоли-ундан фойдаланиб келмоқда. Секвойянинг асл исми Жорж Гист бўлиб, у 1760 йилда ҳинду-

лар оиласида дунёга келган. Ёшлигидан ҳамма нарсага қизи-қувчан бўлганлиги сабаб у бир неча касб-хунарни эгаллайди. Атрофидагиларнинг яъни, "оқ танлилар"нинг китоб ўқиши, хат ёзиши, уларнинг ёзув харфла-ри уни эътиборни тортади. Айтишларича, Секвойя улар-нинг бу ёзувини "сўзловчи барглар" деб атаган экан. Кей-инчалик у қабиласи учун худди шундай "сўзлайдиган баргни" яратишни аҳд қилади. У ҳеч қандай билимга эга бўлмаган. Секвойянинг жавонида инглиз-ларнинг биргина эски китоби бўлиб, ундаги на бир ҳарфни ва на бир сўзни ўқий олмаган. Шундай бўлса-да, Жорж мил-лий алифбони яратиб, ўз мақ-садига эришди.

Аввало, Секвойя одамлар-нинг сўзлашишига ҳамда энг кўп ишлатиладиган бўғимлари-га ахамият бериб, келажакдаги ҳарфларнинг тузилишини ҳав-лан тасаввур қилади. У Тахми-нан ўн йил давомида алифбо-ни устида ишлаб 85 та белгидан иборат ҳарфни (ундан 6 та уни-ла қолганлари бугун бўлган) тuzиб чиқарди. Унинг алифбо-сидаги айрим белгилар лотин-чадан олинган бўлиб, қолганла-ри умуман ҳеч бир халқнинг ҳар-фларига ўхшамайди.

Секвойя қизи Айқуни ҳам ўзи тuzган алифбога аста-се-кин ўргатади. Бироқ, унинг бу ҳаракати у учун фожеали якун топишига сал қолади. Қабилла-дошлари Секвойя ва қизнинг танасига ёзув руҳ кириб олган деб, улардан бу руҳни ҳайда-моқчи бўлишади. Шунда чиро-киларнинг сардори бир синов ўтказиб кўришни маслаҳат бе-ради. Улар Жорж ва қизни ало-ҳида-алоҳида хонага қўйиб, Ўзи яратган "сўзлайдиган баргни" овоз чиқариб ўқишини сўра-шди. Олдин ота, кейин қиз ёзилган нарсани бирдек ўқиб беришади. Бунинг кўрган қабил-ладошлар ота ва қиз ҳақиқат-дан ҳам бир-бирини кўрмай туриб бир хил сўзлаганига ишонч ҳосил қилишади. Бу синовдан ниҳоятда таъсирлан-ган ҳиндулар Секвойянинг ёзу-вини ўрганишга киришади. Унинг биринчи ўқувчилари тез-дан алифбони ёд олиб, уни қол-данларга ҳам ўргатишади. Ўз муваффақиятидан қониқиш ҳосил қилган Жорж қизи билан бирга мамлакат бўйлаб саё-да ҳатта чиқарди. Шунда бошқа қабилалар ҳам унинг бу ютуғи-ни қўллаб-қувватлашади. 1826 йилда биринчи чироки алиф-босидаги китоб нашр қилиниб, кейинчалик қонунларни ҳам шу



тилга ўғиришади. 1828 йилда чирокиларнинг биринчи янги алифбосидаги "Феникс" ном-ли газетаси босмадан чиқди. Хуллас, бу фидойи инсоннинг саёй-ҳаракати билан чироки қабиласи ривожланади ҳамда билими халққа айланади. Маълумотларга қараганда, Секвойянинг алифбо яратиш жараёнидаги қўлёмалари умум-ан сақланиб қолмаган. Айтиш-ларича, унинг хотини қўлёмал-ларда ёзув руҳлар бор дея, ун-дан кўрқиб ҳамма қўлёмасни ёқиб юборган экан. Олимлар Секвойя алифбосини қандай яратган, у нимага асосланган, деган саволларга неча йиллар-дан буён жавоб ахтаришади. Айтгандек, юқорида келтирил-ган Кеннет Танкерслининг топил-маси ҳақидаги янгиликни бе-жи мақоланинг бошига кирит-мадик. Чунки, айнан ана шу то-

пилма олимларнинг бу саволи-га ойдинлик киритиши мумкин экан. Форда Секвойянинг алиф-босидаги 15 та белги билан бирга уни битилган вақти ҳам (1808-1818 йил) ёзилган. Олимларнинг фикрича, бу вақт Секвойянинг айни ёзув устида ишлаётган пайтини кўрсатмоқ-да. Демак, ушбу белгиларни Секвойя алифбо ҳарфлари билан шуғулланаётган пайтида чизган, Кеннет Танкерслининг таъкидлашича, у Секвойянинг ҳақиқий қўлёмасини аниқла-ганига ишончи қомил. Агар шундай бўлмаса ҳам, бу топил-мадаги ёзув Жоржга яқин бўлган одамнинг қўлёмаси бўлиши мумкин. Чунки, бу худудда Секвойянинг қўлган қариндошлари яшаган ва ушбу ёзув яратилиши тарихи билан таниш бўлишгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юқоридаги янгиликни ўқиб Секвойя дарахти ана шу сар-дор шарафига қўйилгани

ҳақидаги маълумотга ҳам эга бўлдим. Маълумотларга қара-ганда, австриялик машҳур

# НИГОХ

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

## Кўк чойга не етсин

саратоннинг жазирама иссиқ кунларида кимлардир табиий минерал сувлар билан, яна кимлардир совутилган яхна ичимликлар билан чанқоғини қондиради



узок ўтмишга эга бўлиб, кўплаб асларни босиб ўтмаган. Чой неча асрлар мобайнида бошқа ўлкалар учун ечиб бўлмас сир бўлиб келган. Чой этиш-тириш ва уни қайта ишлаш усуллари жуда сир тutilган, ҳатто чойзорлар ўстириб, экиладиган жойлари ҳам чет мамлакат кишиларидан пинҳон сақланган ҳаттоки, ҳар бир чой этиштирувчи ҳўжалик ҳам ўз сирига эга бўлган ва буларни бошқаларидан пинҳон сақланганлар. Шунга қарамай улўғ неъмат чой ҳам вақт ила ҳамроҳ бўлиб, Буюк Хитой деворидан ошиб, дунё мамлакатларига йўл олаверган.

Доришунос, кимёгар олимларнинг аниқлашича, чой таркибида, айниқса унинг яшил баргларида инсон организмидан учун зарур бўлган қатор алкалоидлар, кофеин, теофиллин, теобромин, ксантин, гипоксантин, пароксантин, витамин С, В1, В2, К никотинат ва пантотенат кислоталар, эфир мойлари бор. Сўнгги йилларда чойдан Р витамини ҳам ажратиб олинган. У асосан капилляр қон томир деворчаларини мустаҳкамлашда қўлланилади. Чойнинг атеросклероз ва инфаркт сингари касалликларга монелик қилиши аниқланган.

Халқ таоботида чойдан

Марҳамат МАТВАФЕВА, Биология фанлари номзоди

Аmmo, бир пиёла яхна кўк чой ўрни бўлакча. Чой инсон учун "шоҳона ичимлик" десак асло муболаға бўлмайди. Чой шунчаки чанқоғни босувчи ичимлик эмас, балки кўп дардларга малҳам ҳамдир.

Одатий ҳол: эрталаб туриб, бир пиёла чой ичиб ишга, ўқишга хуллас, ўз юмушлари- миз билан сафарга отлана- миз, агар бир пиёла иссиқки- на чой ичмай кетсак ўзимизни қандайдир галати ёки нохуш ҳис қила бошлаймиз. Ёки халқимизда яна шундай удумлар бор. Бирор бир жойга меҳмондорчиликда бўлсангиз, дастурхонга аввал нон, чой қўйиб дуога қўл очадилар. Бир сўз билан айтганда меҳмондорчилик чойдан бошланади. Тўй-ҳашамлар ҳам аввал чойдан бошланади. Бир сўз билан айтганда меҳмондорчилик чойдан бошланади. Тўй-ҳашамлар ҳам аввал чойдан бошланади. Бир сўз билан айтганда меҳмондорчилик чойдан бошланади.

Айнан чой ҳақидаги ушбу ривоят ҳам чойни асл ватани Хитой эканидан далolat беради. Ривоятлар, афсоналар моҳияти асл ҳақиқатга бориб тақалиши бежиз эмас. Жанубий Осиёда чойни маҳаллий чўпонлар кашф этганлиги тўғрисида шундай ривоят бор. Чўпонлар қўйларни ўтлатиб юрганларида ҳайвонлар доим яшил бута барглари учун ечиб бўлмас, ўйноқи бўлиб қолиб, тик тепа- лиқларга илдам чиқиб олиш- ларини сезишибди. Бунга қизиқиб қолган одамлар, "ило- хий барглар"ни одатдаги ши- фобахш гиёҳлар сингари қури- тиби оладиган бўлишибди.

Одамни тетиклаштирувчи "чой" деб аталувчи ичимлик тўғрисидаги маълумотларни эраמידан аввалги 2700 йилга доир Хитой қўлёзмаларида уч- ратиш мумкин. Уша қадим за- монларда яшил барглари қури- тиб гамлаб қўйиши билишмас- дан, ундан янгиликда фойда- ланган эканлар. Янги баргдан тайёрланадиган ичимлик аччиқ баргларидаги унинг ичига тур- ли хил зирavorлар қўшганлар. Кейинчалик чой баргларини қайта ишлаш сирлари кашф этилган, кайноқ дахламини ара- лашмаларсиз ичадиган ва у бил- лан чанқоқ ҳамда очликни боса- диган бўладилар.

У асрда у бир мунча юқори географик кенгликларга, VII-X асрларда Тан империяси ҳукм- ронлиги даврида шимолий- фарбга ва Тибет тоғларигача тарқалиб борди.

Хуллас, ер юзидаги юз минг- лаб ўсимликлар тури чойдек

### ЎТИТ

Ғар киши бир нарса истар ҳар кун, Истаган ул нарса ҳам истар уни. \* \* \*

Ёш бола мактабни асло естамас, Фойдасидан чунки ул оғаҳ эмас.

Жалалиддин РўМий

### БИЛАСИЗМИ?


Тарихий шахслар орасидан энг кўп кино сахнига олиб чиқил- ган шахс — бу Франция императори Наполеон Бонапарт бўлади.

Таниқли океанограф Жак Ив Кустонинг "Сукутли дунё" фильми сув остида суратга олинган бўлиб, рангли киноплёнкага туши- рилган биринчи фильм ҳисобланади.

Таниқли ёзувчи Артур Конан-Дойнинг Шерлок Холмс қахра- монини 80 дан ортқ актёрлар ижро этишган. Англия кино танқидчиларининг фикрига кўра, Холмс ролини энг яхши ижро этган актёр деб Василий Ливанов топилаган. Маълумки, у ўшанда Игорь Масленниковнинг "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон" теле- фильмида суратга тушган эди.

### ТУРФА ОЛАМ

Халқаро археологлар гуруҳи Вифлеемдаги қазимша ишлари чоғида тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган қадимги мақба- рани топган.



Мутахассислар янги топилаган мақба- рани икки кишининг суяк қол- диғи ва бир қанча лой- дан ясалган идишларни аниқлашган. Тадқиқотчилар, топиламан биз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга, негаки, улар Ханан ерида яша- ган аҳолининг мадания- ти ва урф-одатини ўрга- нишга яна бир имкон яратди, дейишмоқда.

### Янги қурилма

Ўзга сайёрадан сув ахтаради, - дейди Ball Aerospace Technologies компанияси ходими

Олимлар томонидан яра- тилган ушбу қурил- ма "MTDEM" деб ном- ланиб, у айна пайтада Марс сайёрасида хаёт учун зарур турт омилнинг бири бўлган — сувни қиди- рмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ол- дин иختиро қилинган MARSIS ва SHARAD ра- дарларидан MTDEMнинг афзаллиги талайгина. Энг аввало, у маълум объектдан 70 метр узоқликда туриб ўша сайёранинг 5 км. чуқурлигидаги мавжуд бўлган сувни аниқлай олади.

### Улғайиб бораётган "Ниҳол"

Самарқандда айна шу номдаги мукофотнинг вилоят босқичи якун топди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун таъсис этилган "Ниҳол" мукофотининг республика кўрик- танлови бир неча йилдан буён муваффақият- ли ўтказиб келинмоқда. Танлов эстрада, мусика, мумтоз кўшиқ, ракс ва опера санъати ижрочилиги йўналишлари бўйича уч босқичда ўтказилмоқда. Самарқанд санъат коллежидан ушбу танловнинг вилоят саралаш босқичи бўлиб ўтди. Бу йилги босқичда вилоят шаҳар ва туманлардан ўз худудларида голибликни қўлга киритган 80 дан ортқ истеъодли ёшлар иштирок этди. Ҳуртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган мазкур мукофот ёш истеъод со- ҳибларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксал- тириш, қўллаб-қувватлаш ва мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадига ўтказиб келинаётгани, мазкур мукофотга номзодлар йил сайин кўпайиб, нуфузи ортиб бораётганини таъкидлаб ўтишди. Танловда ракс йўналиши бўйича Гулшан Сатторова, эстра- да йўналишида Умида Ёрмухаммедова, Миразиз Қудратов, опера бўйича Чарос Норматова, мумтоз ашула йўналишида Рақс Озода Муҳаммадова, Фазилиддин Хайдаров, мусика йўналишида Садоқат Уроқбоева, Феруз Исоқовлар голиб деб топилди ҳамда уларга танловнинг республика босқичида қатнашиш учун йўлланма берилди.

Голиблар ва совриндорлар вилоят ҳоким- лигининг қимматбаҳо совғалари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг диплом ва фахрий ёрликлари билан тақдир- ландилар.

Хусан БУРҲОНОВ

### МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Мазкур тақдимот Фонд форум, Вена шаҳар ҳоки- мияти, Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси ҳамда информацион қувват "Society" дипломатик журнaли ҳамкорлигида таъкил этилди.

### Венада Ўзбек маданияти ва санъати тақдироти

Жорий йил июль ойи бошларида Австрия пойтахти Венада ўзбек маданияти ва санъати тақдироти бўлиб ўтди. Европанинг энг мухташам биналаридан бири – Вена ратушаси- да (олмонча Wiener Rathaus) бўлиб ўтган тадбирда расмий, дип- лomatik ва ижтимоий доира вакиллари, Австрия маданияти ва санъати арбоблари ҳамда ўзбек маданиятига қизиқувчиларнинг барчаси иштирок этди. Тадбир доирасида азим пойтахтнинг 2200 йиллигига бағишланган "Тошкент: кеча ва бугун" номли фотокурганга ўтказилди. Кўрганмадан жой олган 100 га яқин қадимий Тошкент фотосуратлари ва замонавий муаллифлар асар- ларида XX аср бошларидан токи бугунги кунга қадар бўлган ўзгаришлар жараёнари тўла акс эттирилган.

Шунингдек, тақдимот кечасида миллий мусика санъати усталари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси лойиҳалари бўлган "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали, "Келажак овози" Республика иқтидорли ёшлар танловни голибларининг чиқишлари намойиш этилди. Бундан ташқари, турли халқаро фестиваль ва танловларда иштирок этган ёшлар ишти- рокида мусиқий дастур уюштирилди.

Кеча иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон халқ артисти, миллий мусика асбоблари устаси А.Исмоилов бошчилигидаги мусиқий ансамбль, ёш мусиқачилар Ж.Саидкаримов, М.Сайфит- динов, Ўзбекистон ўсмирлари симфоник оркестри томонидан тайёрланган мусиқий чиқишлар ҳавола этилди. Айниқса, энг иқтидорли ёш пианиночилардан бири сифатида халқаро микёсда тан олинган Бехзод Абдураимовнинг чиқиши алоҳида эътибор қозонди. "Келажак овози – 2005" танлови голиби 18 ёшли Бехзод АҚШдаги Парквиль университетиде тахсил олади.

Айтиб ўтиш жоизки, Фонд форум Москва, Пекин, Токио, Париж ва Женевада ўз ваколатхоналари эга бўлиб, ўзининг фаолияти- ни Ўзбекистон маданияти ва санъатини қўллаб-қувватлаш, дунё- нинг кўпгина мамлакатларига бой, чуқур тарихга эга ўзбек мада- ниятини кенг ёйиш, маънавий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келаётди.

### ТАХРИР ХАЙЪАТИ

- Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голиб- шер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Муҳам- маджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек МУХАММА- ДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир: Жалалиддин САФОЕВ

### Қўшиқларда Ватан жилоси

Президентимиз Ислоҳ Каримов- нинг шу йил 7 апрелда қабул қилган қарори асосида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари жойларда уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республика- си шаҳар ва туман босқичлари ҳам ниҳоясига етди. Иштирокчиларнинг истеъодиди, ижро маҳорати, қўшиқлар матни ва мусиқаси хайъ- ат аъзолари томонидан холисона баҳоланган мазкур босқичларда 327 нафар профессия- лал ва ҳаваскор ижрочи ўз иқтидорини на- мойиш қилди.

Танловда театрлар ва бошқа ижодий жа- моалардан таниқли санъаткорлар, турли тан- ловларнинг голиблари, "Ниҳол" мукофоти сов- риндорлари билан бир қаторда ёш ҳаваскор хонандалар ҳам қатнашди, - дейди Қорақалпо- фистон Республикаси маданият ва спорт ишла- ри вазири Қалбой Турдиев. - Тақдим этилган қўшиқларни саралашда уларнинг мазмунига, истиклол йилларида эришаётган ютуқларимиз- нинг моҳирона тараннум этилишига эътибор қаратилди. Бундай қўшиқлар ёшларимизнинг қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадрият- ларга ҳурмат туйғуларини кучайтиришда му- ҳим ўрин тутлади.

Санъат байрамига айланиб кетган ушбу тад- бирларда янраган куй-қўшиқлар Ватанимиз- нинг гўзал табиати, халқимизнинг бетакрор фазилятлари, юртимизда қарор топган тинч- лик ва барқарорликнинг кадр-қимматини яққол ифода этди.

Айни пайтада дастлабки босқичларда голиб- ликни қўлга киритган 44 нафар истеъод эгалари танловнинг Қорақалпоғистон босқичига қиз- гин ҳозирлик кўрмоқда.

Азиза ПРИМОВА

### Ўқимтой МР3-будильник

Жонсиз, чиққалайдиган соат ҳар ҳолда жонингизга теккандир?

— Янги МР3 Clock DX соати эрта тонгни ёқимтой ва кай- фиетни кўтарадиган мусиқа билан кутиб олишга ёрдам бе- ради, - дейишмоқда хориж- лик мутахассислар. Улар ушбу соат хотирасига оддий чиқ- қилайдиган товуш ўрнига бир қанча мусиқаларни жойлашган. Бундан ташқари соат гаджети компьютерга(Windows Vista/XP) улаиб ундаги хоҳлаган МР3 муси- қани хотирасига ёза олади. Бу ёқим- той соат 3 дона АА батареясида ишлайди.

### Қадимги сунъий фор

Яқинда Хайфе университетининг мутахассислари қачонлар- дир инсон қўли билан яралган қадимги сунъий форни топди.

Олимларнинг фикрича, одам- лар 400-500 йил давомида ушбу фордан ибодат- хона сифатида фойдаланишган. Айтишларича, шу пайтага қадар форни сақлаиб қолишига унга ўрнатилган 22 та баққувват устун сабаб бўлган. Фор ер қатлампдан 10 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, узунлиги 100 метрни, эни 40 метрни ташкил этади. Шунингдек, археолог- лар гордаги устунларда римлик легионерларнинг белгилари туширилган тасвирларни ҳам аниқлашган. Яқин кунларда мута- хассислар ушбу белгилар ёрдамида горнинг қайси даврга таал- луқлилигини эълон қилишди.

Элеонора ТАМАКОВА тайёрлади

ВАТАН ТУҒС УСИ НАН НАСАДАН УСТУН

MILLY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБҲУТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқлани- ши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлиқни ўз бўйнига олмади.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-623, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Телефонлар: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЕВ Навбатчи: Камолиддин ХОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00.

1 2 4 5 6 7 8 9